БҮТҮН ДҮНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

13 ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 104 (3332).

29 май ЯКШАНБА 1966 ЙИЛ

Баҳоси 3 тийин.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари учун область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

Калинин районидаги Генерал Раҳимов номли колхоз (раиси М. Маъмуров, партия ташкилотининг секретари Қ. Латипов, агротехниги Т. Турсунова ўртоқлар).

Шу райондаги Ленин номли колхоз (раиси Ғ. Умаров, партия ташкилотининг секретари Н. Султонов, агротехниги Т. Рихсиева ўртоқлар).

Шу райондаги Навоий номли колхоз (раиси Н. Саидов, партия ташкилотининг секретари Т. Муродов, агротехниги Ю. Мадаминов ўртоқлар).

Шу райондаги «Келес» совхози (директори С. Акромов, партия ташкилотининг секретари М. Азимов, агротехниги Х. Рихсибоева ўртоқлар).

Оржоникидзе районидаги Жданов номли колхоз (раиси А. Абдуҳолиқов, партия ташкилотининг секретари Х. Тўсимов, агротехниги М. Тўлаков ўртоқлар).

Шу райондаги «Красний водопад» экспериментал базаси (директори А. Жўрабоев, партия ташкилотининг секретари Я. Сон ўртоқлар).

Бекобод районидаги З.«Далварзин» совхози (директори Б. Мирзакаримов, партия ташкилотининг секретари В. Расулов ўртоқлар).

Л. И. БРЕЖНЕВ ЮСФР ТАШҚИ ИШЛАР ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИ М. НИКЕЗИЧНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Югославия Социалистик Федератив Республикасининг расмий визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган ташқи ишлар давлат секретари ўртоқ М. Никезични 27 майда қабул қилди ва у билан самимий, дўстона суҳбатлашди.

Суҳбатда совет томонидан СССР ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. Громико ва СССРнинг Югославия Социалистик Федератив Республикасидаги элчиси ўртоқ А. М. Пузанов, Югославия томонидан — Югославия Социалистик Федератив Республикасининг СССРдаги элчиси ўртоқ Д. Видич қатнашди. (ТАСС).

САМИМИЙ УЧРАШУВ

МОСКВА, 27 май. (ТАСС). Пойтахтдаги Дзержинский сайлов округининг сайловчилари бугун совет армиясининг марказий театрига тўпландилар. Улар бу ерда СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига ўзлари номзод қилиб кўрсатган П. Н. Демичев билан учрашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат. КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев йиғилиш қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинди ва сайловчиларга қарата нутқ сўзлади. (Ўртоқ П. Н. Демичевнинг нутқи газетанинг бешинчи бетида босилмоқда).

ДОН ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИДАН МУТТАСИЛ МЎЛ ҲОСИЛ ОЛМОҚ УЧУН ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШНИ КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги бутун социалистик экономикани янада юксалтириш ва совет халқининг турмуш даражасини доим оширишнинг зарур шартидир. Шу сабабли, партия XXIII съезди ҳозирги даврда коммунистик қурилишнинг конкрет йўлларини белгилаганида, КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь (1965 йил) Пленумлари ишлаб чиққан иқтисодий ва ташкилий тадбирлар системаси асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини тезлатишга, уни изчил интенсивлаштиришга жуда катта эътибор берди.

Ернинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорликни бутун чоралар билан ошириш — умуман қишлоқ хўжалигини ва хусусан дон етиштиришни жадал ривожлантиришнинг негизидир.

Пленум шуни таъкидлайдики, мамлакат экономикасини ривожлантиришда эришилган даража тупроқнинг унумдорлигини ва деҳқончилик маданиятини ошириш, ерларни мелиорациялашни кенг ривожлантириш юзасидан умумдавлат миқёсида ҳам, ҳар бир колхоз ва совхозда ҳам йирик тадбирлар комплексини амалга ошириш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Қурғоқчиликнинг зararли таъсирига дучор бўлган зоналарда суғориш—бу комплексдаги асосий тадбирдир. Аввало, ортиқча нам ерларнинг захини кетказиш талаб этилади. Озиқлантирувчи моддалари кам ва жуда нордон бўлган қора тупрокли бўлмаган зонада тупроқнинг захини кетказиш соҳасидаги ишлар билан бир қаторда нордон тупроқларни оҳаклаш ва органик ҳамда минерал ўғитларни систематик равишда солиб туриш биринчи ўринга қўйилади. Мамлакатнинг кўп зоналарида қишлоқ хўжалигини муваффақиятли суратда бошқариш мақсадида ерларни шамолнинг нуратишига ва сув ювиб кетишига карши курашмоқ учун фан ва илғор тажриба тавсия этаётган тадбирлардан кенг фойдаланиш зарур. Мамлакатнинг барча районларида пичанзор ва яйловларни яхшилаш тадбирларини амалга ошириш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни таъкидлайдики, кўпгина колхоз ва совхозларда суғориладиган ва захи кетказилган ерларда деҳқончилик маданияти ҳали паст. Бу ерлардан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Мелиорациялаш ишлари сифатининг пастлиги, зовурларнинг ҳажмияти ва суғориш системаларида сувнинг нобуд бўлишини камайтириш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишнинг аҳамияти пасайтириб юборилганлиги, планлаштирилмаган майдонлар миқдорининг кўплиги, шунингдек меҳнатнинг кўнгилдагидек ташкил этилмаганлиги ва ходимларнинг мелиорациялаштирилаётган ерларда муттасил мўл ҳосил етиштиришдан етарли даражада моддий манфаатдор эмасликлари бундай аҳволнинг рўй беришига сабаб бўлмоқда. Қурилиш ишлари билан суғориладиган ва захи кетказилган янги ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш ўртасида катта тафовут бўлишига йўл қўйилмоқда. Нордон ерларни оҳак билан ўғитлаш ва шўрхок ерларни ғанч билан ўғитлашга, маҳаллий ўғитларни тўплаш ва далага чиқариб солишга етарли аҳамият берилмаётир, тупроқ эрозияси билан кураш соҳасида зарур чоралар кўрилмаётир.

Шуни эътироф қилиш керакки, бир қанча жойларда унча муҳим бўлмаган экинзорлардан фойдаланиш ҳисобига бўлгани ҳолда, энг яхши ерлар ишлаб чиқариш ва маиший объектлар қуриш учун ажратиб берилмоқда, хўжаликлар кўпинча унумдор ерларнинг талайгина қисмидан фойдаланмайдилар. Гидростанциялар, сув омборлари ва бошқа объектларни қуриш вақтида қишлоқ хўжалик экинзорларини сув босиб кетишидан муҳофаза қилиш учун зарур чоралар кўрилмаётганлиги ҳам мақбул бир иш эмас.

Илмий муассасалар мелиорация соҳасида тадқиқот ишларини ҳали суст ривожлантирмоқдалар. Мелиорациялашни навбатма-навбат амалга ошириш ва захи кетказилган ҳамда суғориладиган ерлардан рационал фойдаланиш юзасидан зарур чораларни ишлаб чиқишнинг иқтисодий жиҳатдан асослаб берилиши билан боғлиқ бўлган масалалар етарли даражада чуқур ўрганилмаётир. Ана шу ерларда қишлоқ хўжалик экинларининг юқори ҳосилли ва ётиб қолмайдиган навларини вужудга келтириш соҳасида суст иш олиб борилмоқда, янги мелиорация машиналарининг конструкциялари суст ишлаб чиқилмоқда ва фан ҳамда техника ютуклари, шунингдек илғор хўжаликларнинг тажрибасини жорий қилиш мутлако кўнгилдагидек эмас.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми **карор қилади:**

1. Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олмоқ учун ерларни мелиорациялашни кенг ривожлантириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ишлаб чиққан тадбирлар маъқуллансин. Бу тадбирлар қуйидагиларни кўзда тутади:

— яқин ўн йил ичида суғориладиган ер майдонларини 7-8 миллион гектар ва захи кетказилган ер майдонларини 15-16 миллион гектар кўпайтириш, шу билан бирга, мамлакатда мелиорациялаштирилган ерларнинг жами майдони 1975 йилда 37-39 миллион гектарга етади;

— суғориш ва ернинг захини кетказиш системалари ишлаб турган районларда ҳамма ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, токи бу ерларнинг ҳар гектаридан ғоят сифатли ва яхши иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг энг кўп миқдорда олинишига эришиш;

— Шимолий Кавказда, Украинанинг жанубида, Молдавияда, Қозоғистонда, Амударё этакларида ва Ўзоқ Шарқда сув хўжалиги ишлари суръатларини анча ошириш, Поволжьеда суғориш системалари қурилишини кенг авж олдириш, бу зоналарда дон ва хусусан шоли, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган йирик хўжаликларни вужудга келтириш;

— Ўрта Осиё ва Закавказье районларида ерларни суғориш ишларини янада ривожлантириш;

— ери қора тупроқ бўлмаган зонада нордон тупроқли бўлган ва ҳайдалаётган ҳамма ерларни, ўтлоқларни ҳамда яйловларни оҳак билан ўғитлаш;

— 1966 — 1970 йиллар мобайнида 9 миллион гектар ўтлоқ ва яйловларни тўбдан яхшилаш соҳасидаги ишларни бажариш ва 50 миллион гектар майдондаги яйловларга сув чиқариш;

— ерларни шамолнинг нуратишига ва сув ювиб кетишига қарши кураш тадбирлари системасини амалга ошириш. Зарур бўлган жойларда ихота дарахтзорлари ва жар ёқаларига дарахт ўтқазиш, шунингдек тупроғи нураган тепалик ёнбағирларини ўтлоқ жойларга айлантириш, эрозияга қарши инженерлик иншоотларини қуриш ва қумлоқларга дарахт ўтқазиш.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва СССР Министрлар Советига тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Партия, совет, касаба союз, комсомол, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларига, министрликлар ва бошқармалар, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига бу қарорларни сўзсиз бажариш учун зарур чоралар кўриш топширилсин.

2. Тупроқнинг маҳсулдорлигини ошириш ва ерларни мелиорациялашни кенгайтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш, электрлаштириш ва химиялаштиришни планли суратда ва изчил амалга ошириш юзасидан партия белгилаган программанинг бажарилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида маҳсулдорликни ошириш ва совет халқининг моддий фаровонлигини юксалтириш имконини беради. Партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларининг вазифаси — деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини ошириш учун, барча колхоз ва совхозларнинг ерида намунали тартиб ўрнатиш, ҳар гектар ерда муттасил мўл ҳосил олишга эришиш учун умумхалқ курашини ташкил этиш ва бу курашга раҳбарлик қилишдан иборат. Тупроқнинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар гектаридан самарали фойдаланиш юзасидан конкрет тадбирлар планини ишлаб чиқишда колхоз ва совхозларга ёрдам бериш керак.

Пленум саноат, қурилиш эҳтиёжлари ва бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари ажратиб беришда қатъий тартиб ўрнатиш зарур, деб ҳисоблайди. Турли объектларни қурган вақтда, аввало, қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлмаган ёки сифатсиз ерлардан фойдаланиш керак.

Ердан фойдаланиш ва сувдан фойдаланишнинг асосий қоидалари тўғрисида, қишлоқ хўжалик экинзорларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида қонунлар қабул қилиш зарур, деб топилсин.

3. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мелиорация ишларини кенг ривожлантириш юзасидан белгиланган программани амалга оширишда партия Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумлари ишлаб чиққан иқтисодий тадбирлардан тўлиқ фойдаланиш керак, деб таъкидлайди.

Суғориш ва ернинг захини кетказиш системаларида ишлаётган ва суғориладиган ҳамда захи кетказилган ерларда муттасил мўл ҳосил етиштириш билан банд бўлган ходимларнинг моддий манфаатдорлиги масалалари жуда катта аҳамиятга эгадир. Партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари, колхоз ва совхозлар мелиорациялаштирилган деҳқончилик ходимларининг меҳнатини ташкил этиш, нормалаш ва меҳнатга ҳақ тўлашни яхши йўлга қўйиш юзасидан чоралар ишлаб чиқиб, амалга оширишлари лозим.

4. Мамлакатнинг ҳамма районларида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда, ери қора тупроқли бўлмаган зонадаги ва суғориладиган деҳқончилик зонасидаги ихтисослаштирилган ташкилотларни, колхоз ва совхозларни мелиорация ва тупроқ қазиш техникаси билан таъминлаш, уларга зарур миқдорда минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини, машина-ускуналарни, қурилиш материалларни ва бошқа материалларни етказиб бериш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириш зарур, деб топилсин.

Ерларни мелиорациялаш соҳасидаги катта программани амалга ошириш қишлоқ хўжалигига кучли тракторларни, ғоят унумли ишлайдиган тупроқ қазиш техникаси ва қурилиш техникаси комплексини етказиб беришни талаб этади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми саноат ходимларини, саноат министрликлари ва бошқармаларининг раҳбарларини колхоз ва совхозларни, шунингдек сув хўжалиги ташкилотларини юксак даражада сифатли зарур техника ва ускуналар билан, ўғит ва заҳарли химикатлар билан, турли материаллар билан ва ишлаб чиқаришга керакли бошқа товарлар билан таъминлаш планларини тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма чораларни кўришга даъват этади.

Пленум иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг қишлоқ заказларини сўзсиз бажаришлари учун зарур чоралар кўришни таклиф этади.

5. Мелиорация соҳасидаги ишлар кенг ривожлантирилиши муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Фанлар академияси, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ва тегишли илмий тадқиқот муассасалари ҳамда лойиҳалаш ва конструкторлик муассасаларининг эътиборини қуйидаги масалаларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этиш зарурлигига жалб этади:

— мелиорация соҳасидаги тадбирларни навбатма-навбат амалга оширишни асослаб бериш, шунингдек шу мақсадда капитал маблағлардан энг самарали фойдаланиш;

— мелиорация қурилишини илмий-техника ва индустриал асосда, ерларни хўжалик учун ўзлаштириш тадбирлари билан ягона комплексда амалга ошириш ва мелиорация ишларини тугаллаш билан қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиш ўртасида тафовут бўлишига йўл қўймаслик.

6. Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан мелиорация тадбирлари программасини амалга оширишда фан муҳим роль ўйнайди. Олимлар мелиорация соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотларни анча кенгайтиришлари, уларнинг кўпроқ натижа беришини таъминлашлари ва мамлакатнинг турли зоналарида мелиорация ишларини олиб бориш, шунингдек суғориладиган ва захи кетказилган ерларда интенсив деҳқончиликни жорий қилиш, мелиорациялаштирилган ерлар учун юқори ҳосилли ва ётиб қолмайдиган сортларни жорий қилиш юзасидан ишлаб чиқаришга асосланган тавсияларни беришлари лозим. Инженерлар ва конструкторлар ғоят унумли ишлайдиган ва тежамли тупроқ қазиш ва мелиорация янги техникасини вужудга келтириш соҳасидаги ишни кучайтиришлари лозим.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Госпланига, СССР Фанлар академиясига, В. И. Ленин номидаги Бутун Иттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлар академиясига, Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда 1966 — 1968 йиллар ичида мамлакат табиий зоналари бўйича қишлоқ хўжалигини ҳар 10-15 йил мобайнида янада ривожлантиришга қаратилган иқтисодий жиҳатдан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ва бу таклифларни 1969 йил 1 январига қадар КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

7. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитети шу Пленумининг қарорини колхозчиларга, совхоз ходимларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, бутун совет халқига кенг тушунтириб бериш, бу қарорни бажариш юзасидан зарур ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб бориш топширилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қаттиқ ишонч билдириб айтадики, тупроқнинг унумдорлигини ошириш соҳасида ишлаб чиқилган конкрет тадбирларни, ерларни мелиорациялаш кенг программасини амалга ошириш — ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш, колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш, мамлакатда дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни муттасил юксак даражага кўтариш йўлида янги катта қадам бўлади.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 28 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
Калинин	5,8	81,1
Бекобод	8,6	76,4
Оққўрғон	12,0	57,8
Янгиёл	8,3	50,7
Оржоникидзе	5,3	48,3
Бўка	9,1	36,3
Ўрта Чирчиқ	5,1	24,1
Юқори Чирчиқ	7,0	22,8
Область бўйича:	7,5	50,0

ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ — МАМЛАКАТДА БАРҚАРОР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШНИНГ ТУБ МАСАЛАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ 1966 йил 27 майдаги нутқи

Ўртоқлар! Марказий Комитетнинг ушбу Пленуми партия XXIII съездидан кейин орадан кўп вақт ўтмай тўпланди. Ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатни белгилаб берган бу съезд халқ хўжалигини ривожлантиришнинг яқин беш йилликка мўлжалланган программасини қабул қилди. Шу программанинг бажарилиши мамлакатимизнинг коммунизм моддий техника базасини яратишда олдинга қараб янгидан каттагина қадам ташлашга имкон беради.

Партия ташкилотлари шу вақт ичида съезд қарорларини, съезд умуман халқ хўжалиги олдига, шунингдек саноат, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариши соҳасида, фан ва маданият бобида қўйган вазифаларни тушунтириш юзасидан катта иш ўтказдилар. Барча республика, ўлка, область, шаҳар ва районларда партия активларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Бошланғич партия ташкилотларининг ҳаммаси съезд қарорларини муҳокама қилиб чиқди. Ишчилар, колхозчилар, илмий ходимлар, комсомолларнинг неча юз мингдаб йиғилишлари бўлиб ўтди. Миллион-миллион кишилар, коммунистлар билан партиясизлар ана шу йиғилишларда сўзга чиқиб, съезд қарорлари тўғрисида ўз фикрларини баён қилдилар.

Марказий Комитетга келган ахборотлар ва ҳисоботлар, коммунистлар билан партиясизларнинг кўпдан-кўп мактублари XXIII съезднинг қарорлари, партиямизнинг сиёсий йўли, унинг ички ва ташқи сиёсати яқдиллик билан ва ёппасига маъқулланаётганлигидан, съезднинг янги беш йиллик учун берган Директивалари тўла равишда маъқулланаётганлигидан далолат беради. Бу эса, ўртоқлар, мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантиришни, коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишни кўзлаб Марказий Комитет ишлаб чиққан ва партия съезди қабул қилган сиёсий йўлнинг тўғрилигини кўрсатиб турибди.

Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам барча муваффақиятларимизга, қўлга киритган жамики ютуқларимизга аввало партиянинг халқ мададига таяниб келганлиги ва таянаётганлиги сабаб бўлди. Партиямизнинг кучи, партиямиз қўлга киритган ҳаммa ютуқларнинг манбаи мана шундадир. Съезд қарорлари астойдил ва яқдиллик билан маъқулланганлиги, халқ ана шу қарорларни тўла равишда қўллаб-қувватлаб, бу қарорларни амалга ошириш учун бутун куч-қувватини, қобилиятини, ўзининг ақл-заковати ва талантини, қудратли ғайратини сарфлашга тайёр эканлигини билдирганлиги ҳаммамизни қувонтирмоқда ҳамда умуман халқ хўжалигида ва ҳар қайси тармоқда мана шу беш йиллик планнинг топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун барча имкониятларга эгамиз, деб айтишга асос бўлмоқда.

Съездда ўқтириб айтилганидек, эндиликда вазифа ҳар бир сиёсий ва хўжалик раҳбарининг — министр ва область партия комитети секретарининг, завод директори ва қурилиш бошлиғининг, колхоз раиси ва совхоз директорининг — хуллас катта ва кичик дегандек, барча раҳбарларнинг ишни тўғри уюштира билишларидан иборатдир.

Биз ҳали бир эмас, бир неча Пленум ўтказиб, партия съезди қарорларини бажаришга боғлиқ бўлган кўп масалаларни кўриб чиқамиз. Маълумки, бу қарорларда жуда ҳам катта ва тамомила муҳим масалалар қўйилган. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам, шунингдек фан ва маданият соҳасида ҳам съезд қарорларини амалга оширишга таллуқли масалаларни Марказий Комитет Сиёсий бюросининг мажлисларида бир эмас, бир неча марталаб муҳокама қилишга тўғри келади. Бу гап барча партия органларимизга — республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига ҳам дахлдордир.

Барча партия ташкилотлари, совет, касаба союз ва хўжалик органлари съезд қарорларини бажаришни ўз фаолиятларининг марказида тутишлари, шу қарорларни муваффақиятли амалга оширишга хизмат қиладиган энг муҳим масалаларни кундалик ҳаётдан топа билишлари керак. Ҳар бир партия ташкилотини, партиянинг ҳар бир аъзосини ўз ташкилотининг фаолияти учун ҳам, умуман давлат ишлари учун ҳам юксак даражада масъулият сезиш руҳида тарбиялаш лозим деб съездда уқтириб ўтилди. Шундай қилмасак, катта-катта вазифаларимизнинг ҳаммасини муваффақиятли ҳал эта олмаймиз.

Асосий эътиборни хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим соҳаларига қаратмоқ учун съезд қарорларида қўйилган масалалар мажмуйидан биринчи галда муҳокама қилиниши лозим бўлган масалаларни танлаб олиш керак. Бутун фаолиятимиз миқёслари кенгайиб, анча мураккаброқ бўлиб қолган ҳозирги пайтда бу нарса айниқса муҳимдир.

Марказий Комитетнинг март (1965 йил) Пленумидаёқ, шундан кейин эса партия съездида ҳам экономикамизнинг энг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигининг аҳамияти тамоман қаттиқ таъкидлаб ўтилди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатни эса хом ашё билан ростмана таъминлаб туриш қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши миллий даромаднинг ўсишини, халқ турмушининг моддий даражасини оширишни, бинобарин эса социал-иқтисодий тадбирларни амалга оширишни талай даражада белгилаб беради.

Қишлоқ хўжалигимизнинг ривожланишидаги кўп камчиликлар ва қийинчиликлар март Пленумида очиб ташланди. Партия томонидан катта иш ўтказилганлигига ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муваффақиятларга эришилганлигига қарамай, биз шу тармоқнинг жиддий равишда орқада қолаётганлигини пайқамасдан қола олмадик. Пленумда айтиб ўтилганидек, айниқса сўнгги беш йилликда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган бир қанча камчиликлар ва ҳатто хатолар орқасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпайиш суръатлари секинлашиб қолди. Дон, ёрмабон экинлар ва баъзи бир техника экинларининг ялпи ҳосили мамлакатнинг эҳтиёжларини қондирадигина эмас, шу билан бирга бутун халқ хўжалигини ривожлантиришда, аввало халқни озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашда муҳим роль ўйновчи енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга тўғоноқ сола бошлади.

Гап фақат галла етиштиришнинг бир жойда депсиниб тура беришидагина эмас эди. Бундай аҳволнинг қишлоқ хўжалигининг бошқа бир муҳим тармоғига — чорвачиликка ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Бу тармоқда ҳам кескин бекарорлик юз бериб турди, айрим йилларда эса биз жуда кўплаб зарар кўрдик, кейинчалик чорва моллар билан паррандаларнинг сонини ва маҳсулдорлигини аввалги аслига келтиргунча неча йиллаб эвора бўлиб юрдик.

Март Пленуми, ҳозир турмушда кўриниб турганидек, XXIII съезд ҳам қишлоқ хўжалигини юксалтириши кўзлаб тўғри сиёсий ва амалий йўл тутдилар. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шундан кейинги қарорлари март Пленумининг қарорларини тўлдирди, ривожлантирди ҳамда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини кўтариш учун тобора қулайроқ вазият вужудга келтирди.

Совхозлардаги трактор-машинистларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида, шунингдек жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришдан колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳақида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган қарорлари қишлоқда астойдил маъқулланганлигини ўртоқлар ўз нутқларида айтиб ўтдилар. Бундан буён ҳамма колхозларда меҳнатга тўланадиган ҳақнинг гарантияланган минимуми жорий этилади, бинобарин жамоат ишлаб чиқаришида қатнашаётган колхозчилар ўз меҳнатлари учун совхоз ишчиси билан тахминан баббаравар миқдорда ҳақ оладиган бўладилар.

Колхозчилар меҳнатига гарантияланган ҳақ тўлашнинг жорий қилинаётганлиги — колхоз тузумининг катта галабаси, совет жамиятининг, партиямизнинг зўр ютуғидир.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалигининг проблемаларини ҳал қилиш учун вақт керак ва каттагина меҳнат сарфлаш лозим, бу тармоқнинг ривожланиши халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эга. Мана шу фактнинг ўзи ушбу масалани партия Марказий Комитетининг XXIII съезддан кейинги биринчи Пленумига қўйишни олдиндан белгилаб берди. Бугун мана шу муҳим масалани муҳокама қилаётганлигимизнинг ўзи ҳам партиямиз қишлоқ хўжалигига катта эътибор бераётганлигини кўрсатиб турибди.

Партия съезди белгилаб берганидек, деҳқончилик маданиятини ошириш асосида барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини кўпайтириш — қишлоқ хўжалигимизни тагин ҳам юксак даражага кўтаришнинг асосий ва ҳал қилувчи омилларидан биридир. Бу вазифа ҳозирги кунда асосий вазифа ҳисобланса, келажакда ҳам энг муҳим вазифа бўлиб қолади. Шу вазифани яхшироқ ва тезроқ адо этиш, ҳар бир гектар ернинг ҳосилдорлигини ошириш проблемасини ҳал этишда колхоз ва совхозларга ёрдам бериш учун партия қишлоқ хўжалигини янада механизациялаштириш ва химиялаштиришга қаратилган йўлни белгилаб олди.

Мана шу беш йилликда қишлоқ хўжалигига 1 миллион 790 минг трактор ажратиш назарда тутилганлигини эслатиб ўтишга рухсат этгайсиз. Бунинг маъноси шуки, беш йил ичида етказиб бериладиган трактор сони бундан аввалги ўн йил ичида етказиб берилган тракторлар сонига теппа-тенг бўлади. Ўтган беш йилликда қишлоқ хўжалигига 6,3 миллиард сўмлик машина ва асбоблар етказиб берилган бўлса, бу беш йилликда 10,7 миллиард сўмлик машина ва асбоблар етказиб берилади.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИНИНГ ДАВОМИ

(Боши биринчи бетда)

Аслида технология процессига кирувчи автомобиль транспорти халқ хўжалигида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам нуқсонли соҳа эканлиги маълум бўлиб қолди. 1970 йилгача юк автомобиллари ишлаб чиқаришни йиллига 600 — 650 минг машинага етказиш бизнинг олдимизда вазифа бўлиб турибди. Бунинг маъноси шуки, ҳозирда ҳам анча йирик тармоқ бўлган автомобиль саноати ўз қувватларини 1,7 баравар кўпайтириши лозим. Қишлоқ хўжалигига беш йил мобайнида 1 миллион 100 минг ёки ўтган беш йилликдагидан 2,6 баравар кўп юк автомобиллари етказиб берилади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳам анча кўпайтирилади.

Мана шуларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, деҳқончилик маданиятини кўтариш ишга хизмат қилиши лозим.

Бу ерда далаларни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ишлаш, шудгорни барвақт ўтказиш, энг яхши навларни танлаб олиш, экинларни парвариш қилиш ва юксак даражали деҳқончилик маданиятининг бошқа элементлари тўғрисида муфассал гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ деб ўйлайман. Мутлақо равшанки, мана шу ва бошқа усуллар ҳосилдорликни оширишда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни ҳар бир колхоз ва совхозда қунт билан ўтказа бериш керак.

Шу билан бирга биз олдинга назар ташлашимиз, бир мунча узоқни кўзлаб, қишлоқ хўжалигини турли-туман, баъзан мураккаб тупроқ-иқлим шароитларида бошқаришимизга тўғри келишини ҳисобга олишимиз лозим. Бу ҳақда ушбу Пленумда сўзга чиққан ўртоқлар мутлақо тўғри гапиришди.

Турмуш, тажриба одамларни кўп нарсага ўргатади. Тажрибани ва статистика маълумотларини ўрганиш асосида қилинган анализ хўжалик вазифаларини тўғри ҳал этиш йўлини таклиф олишнинг энг яхши усулидир.

Ушбу Пленумда асосий эътиборни яна дон ва бошқа экинлар етиштиришни кўпайтиришга қаратаётганлигимиз учун сўнгги ўн йил ичида мамлакатда дон ҳосилдорлиги, етиштирилган ва тайёрланган доннинг ялпи миқдори қанча бўлганлигини кўрсатувчи баъзи рақамларни Пленумга айтиб беришга рухсат этгайсиз. Мана ўша рақамлар: Ўн йил мобайнида дон экинларининг ўртача ҳосили гектар бошига 11,4 центнер билан 8,3 центнер ўртасида, ялпи дон ҳосили 152,1 миллион тонна билан 102,6 миллион тонна ўртасида, давлат йўли билан харид қилинган дон 68,3 миллион тонна билан 35,4 миллион тонна ўртасида бўлиб турди. Етиштирилаётган ва тайёрланаётган доннинг ялпи миқдоридаги бундай катта пасти-баландлик қишлоқ хўжалигига, мамлакатнинг бутун экономикасига жуда катта зиён етказмоқда. Нигирма йил ичидаги рақамларга назар ташласак ҳам худди шундай манзарани кўрамиз.

Шу сабабдан, ўртоқлар, биз бугун ҳам, бундан кейин ҳам ер ларнинг ҳосилдорлигини ошираётган ҳамда мўл ва муттасил ҳосил олишимизга имкон берадиган, дон, техника, ем-хашак экинлари ва бошқа экинларнинг ялпи ҳосили озми-кўпми бир текис бўлишини гарантиялайдиган чораларни қадам-бақадам амалга оширишни ўйлашимиз ва шунинг гамини ейишимиз мутлақо шарт.

Бу — жуда катта вазифа. Бу вазифани бундан аввал партиямиз қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилишига тўғри келган ҳар қандай муҳим вазифа билан, бу вазифа ўз миқёси жиҳатидан нақадар буюк бўлмасин, тенглаштириш учун ҳамма асосларимиз бор.

Биз шу масалани партия Марказий Комитетининг ушбу Пленумида муҳокама қилаётганимиздек, кенг маънода тушуниб, ерларни мелиорация қилиш бизнингча, эндиликда энг муҳим ишдир.

Бу ишнинг бир сидра ўтиб кетадиган кампания эмаслигини, бу иш — қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган программа эканлигини, жуда катта куч-ғайрат ва бир талай капитал маблағ ҳамда моддий техника воситалари сарфлашни талаб қилувчи программа эканлигини равшан тушуниб олишимиз ҳамда буни бутун партияга, бутун халққа қатъий қилиб айтишимиз керак. Бу программа илмфан ва тажриба маълумотларига, эндиликда совет экономикаси ихтиёрида бўлган реал имкониятларга таянади.

Ерларни мелиорация қилишнинг кенг программасини амалга ошириш зарурлигини Марказий Комитет март Пленуми давридаёқ ва КПСС XXIII съездига ҳозирланиш вақтида ҳам кўрган эди. Мана шу сабабдан ушбу беш йилликда мўлжалланган контрол рақамларни белгилаш вақтида оғир саноат тармоқларининг ривожланиш суръатларини пасайтирмай, шунингдек енгил ва озиқ-овқат саноатини кескин кўтариш заруриятини ҳисобга олиб, шу билан бирга қишлоқ хўжалигини учун ҳанузгача мисли кўрилмаган миқдорда маблағ ва моддий ресурслар топиш учун планлаштирувчи органлар билан бирга жуда ҳам астойдил ишлашимизга тўғри келди.

Ўзларингиз биласизларки, биз тармоқлар ўртасида маблағларни ва моддий ресурсларни маълум даражада қайта тақсимлаб чиқдик ҳамда мана шу беш йилликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига давлат йўли билан 41 миллиард сўм миқдорида, колхозларнинг маблағлари билан бирга қўшганда эса ҳаммаси бўлиб 71 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ ажратишни кўзда тутдик. Мелиорация эҳтиёжларига бирталай маблағ ажратилмоқда. Таққослаб кўриш учун иккита рақамни айтай. Марказий Статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, тўртта беш йиллик мобайнида, яъни уруштан кейинги 20 йил (1946—1965 йиллар) ичида давлат сув хўжалиги қурилишига 5,6 миллиард сўм сарфлаган эди. Ҳозирги беш йилликда биз бу мақсадларга 10 миллиард сўмдан кўпроқ пул сарфлашни планлаштиряпмиз.

Ишлаб чиқилган ва Пленумга тақдим этилган таклифлар ерларни кенг кўламда мелиорация қилиш планини амалга оширишнинг ўзи қурган қудуқни кўрсатди.

Раис, колхознинг етарли маблағлари бору, аммо далаларни суғориш учун керакли насослар, ускуналар ва бошқа материалларни сотиб оладиган жой йўқ, деди.

Яқиндагина биз Алексей Николаевич Косигин билан Кубанга борганимизда у ерда Кореновский районидаги Ленин номли колхознинг раиси ўртоқ Соболенко билан суҳбатлашдик. У ҳам ерларни суғориш учун керакли ускуналарни сотиб ололмаяпман, деб шикоят қилди. Агар бу ишда биз колхозларга ва совхозларга ёрдам берсак, мўлжаллаётганимизга қараганда анча кўпроқ иш қилиниши турган гап.

Пленумимизнинг қарори маҳаллий таташаббусга йўл очиб беради, колхозлар ва совхозлар область, ўлка ва республика ташкилотларининг ёрдамига, шунингдек саноат корхоналарининг баъзи бир ёрдамига таяниб, ўз кучлари ва маблағларини ишга солиб, ерларни яхшилаш, унумдорлигини ошириш билан анча активроқ шуғулланадиган бўлиб қоладилар.

Жуда кўп нарса маҳаллий ташкилотларнинг ташаббусларига боғлиқ. Мисол учун, Днепропетровски олиб кўрайлик. У ердагилар бундан бир неча йил муқаддам шаҳар атрофи хўжаликларидаги ерларда катта-катта майдонларни ўз кучлари билан суғоришга киришдилар ва эндиликда шаҳарнинг сабзавотга бўлган эҳтиёжларини тўла равишда қондирмоқдалар.

Марказий Комитет Пленуми мамлакатнинг ҳамма зоналарида мелиорация ишларини ўтказиш масаласини муҳокама қилаётган ҳозирги кунда яна бир марта уқтириб ўтиш керакки, бугдой, жўвдар, шоли, маккажўхори ва бошқа дон ҳамда крупабоп экинларнинг ялпи ҳосилини кўпайтириш кўпдан бери бизнинг олдимизда турган ва келгусида тагин ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб қоладиган энг муҳим проблемаларнинг биридир. Шунинг учун ҳам Марказий Комитет Сиёсий бюроси Пленумнинг кун тартибини белгилаётганида дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олмоқ учун ерларни мелиорация қилишнинг кенг масаласини муҳокама қилиш кераклигини айтди.

Ерларни суғориш ишлари кейинги вақтларгача бизда асосан пахта ва бошқа баъзи техника экинларини етиштириш учун ривожлантирилиб келди. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, бу ишда яхши натижаларга эришдик. Пахта, техника экинлари ва сабзавот экишни бундан буён ҳам ҳар тўмонлама кенгайтира берамиз, шу мақсадда янги суғорилган ерларни ўзлаштира берамиз.

Бироқ, энди биз суғориладиган деҳқончилик масалаларини фақат пахтачилик нуқтаи назаридан эмас, балки хила кенгроқ миқёсда кўриб чиқишимиз керак. Бунда гап ерларни суғоришни қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаларидан бири бўлган дон етиштиришни кўпайтириш вазифасига хизмат қилдириш тўғрисида боратўр. Бу ишда биз анча орқада қолганмиз. Шуни эслатиб ўтайки, суғориладиган ерлардан етиштирилаётган дон билан шоли ҳозирги вақтда мамлакатда олинаётган ялпи дон ҳосилининг атиги 2 процентини ташкил қилади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, товар дон етиштирилаётган зоналарда суғорилаётган майдон жуда кам. Суғорилаётган ерларга экилаётган дон экинлари Россия Федерациясида фақат ярим миллион гектарни, Украинада 103 минг гектарни, Молдавияда 9 минг гектарни ташкил қилади. Ҳатто, қурғоқчилик жуда тез-тез бўлиб турадиган Волга бўйида суғориладиган ерларнинг атиги 24 минг гектарига дон экинлари экилмоқда, бу эса, дон экилаётган жамики майдоннинг тахминан ўндан бир процентини ташкил қилади.

Шундай қилиб, товар дон етиштирилаётган асосий районларда аслини олганда, биз ҳосилдорликни оширишнинг ва олинаётган ялпи маҳсулотни кўпайтиришнинг қудратли воситаси бўлган суғоришдан фойдаланмаётирмиз.

Пленум муҳокамасига қўйилган тадбирларда асосан дон экинлари ва бошқа экинлардан гарантияланган мўл ҳосил олмоқ учун суғориладиган деҳқончиликнинг янги катта районларини вужудга келтириш кўзда тутилади. Бундай районлар, аввало, Шимолий Кавказда, Украинанинг жанубида, Волга бўйида, Молдавияда, Амударё этакларида ва Қозоғистоннинг баъзи районларида вужудга келтирилади.

Сўзга чиққан ўртоқлар айрим колхозлар ва совхозлар суғорилаётган майдонларда, айниқса об-ҳаво шароити ноқулай келган йилларда дон экинларидан суғорилмайдиган ерлардагига қараганда икки-уч баравар ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олаётганликларини кўрсатувчи кўпгина мисолларни айтиб беришди.

Суғориладиган ерларда бугдой, шоли, шунингдек, айниқса уқтириб ўтишим керакки, маккажўхори ва бошқа экинлар ҳосилини етиштиришни кенг ривожлантириш, ҳеч шубҳасиз, мамлакатда дон экинларидан муттасил гарантияланган мўл ҳосил олишнинг энг муҳим чорасидир. Суғориладиган ерларда қанд-лавлаги, беда ва бошқа экинлар етиштиришнинг аҳамиятини ҳам уқтириб ўтиш керак. Бу масалани Марказий Комитет Пленумида муҳокама қилиш учун тайёрлаётган вақтимизда, қишлоқ хўжалик муассасаларининг баъзи ходимлари ва айрим олимлар суғориладиган ерларда дон экинлари етиштириш соҳасида тажриба йўқлигини айтишди. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, бундай тажриба бизда ҳам, жаҳон практикасида ҳам бор. Бу тўғрида — Буни қўйверинг, Нарироққа борайлик.

Бошқа бир далада у, бу ерларда маккажўхори 60 центнер, бугдой 40 центнер ҳосил беради, деди ва шу ерларни суғориш учун колхознинг ўзи қурган қудуқни кўрсатди.

Раис, колхознинг етарли маблағлари бору, аммо далаларни суғориш учун керакли насослар, ускуналар ва бошқа материалларни сотиб оладиган жой йўқ, деди.

Яқиндагина биз Алексей Николаевич Косигин билан Кубанга борганимизда у ерда Кореновский районидаги Ленин номли колхознинг раиси ўртоқ Соболенко билан суҳбатлашдик. У ҳам ерларни суғориш учун керакли ускуналарни сотиб ололмаяпман, деб шикоят қилди. Агар бу ишда биз колхозларга ва совхозларга ёрдам берсак, мўлжаллаётганимизга қараганда анча кўпроқ иш қилиниши турган гап.

Пленумимизнинг қарори маҳаллий таташаббусга йўл очиб беради, колхозлар ва совхозлар область, ўлка ва республика ташкилотларининг ёрдамига, шунингдек саноат корхоналарининг баъзи бир ёрдамига таяниб, ўз кучлари ва маблағларини ишга солиб, ерларни яхшилаш, унумдорлигини ошириш билан анча активроқ шуғулланадиган бўлиб қоладилар.

Жуда кўп нарса маҳаллий ташкилотларнинг ташаббусларига боғлиқ. Мисол учун, Днепропетровски олиб кўрайлик. У ердагилар бундан бир неча йил муқаддам шаҳар атрофи хўжаликларидаги ерларда катта-катта майдонларни ўз кучлари билан суғоришга киришдилар ва эндиликда шаҳарнинг сабзавотга бўлган эҳтиёжларини тўла равишда қондирмоқдалар.

Марказий Комитет Пленуми мамлакатнинг ҳамма зоналарида мелиорация ишларини ўтказиш масаласини муҳокама қилаётган ҳозирги кунда яна бир марта уқтириб ўтиш керакки, бугдой, жўвдар, шоли, маккажўхори ва бошқа дон ҳамда крупабоп экинларнинг ялпи ҳосилини кўпайтириш кўпдан бери бизнинг олдимизда турган ва келгусида тагин ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб қоладиган энг муҳим проблемаларнинг биридир. Шунинг учун ҳам Марказий Комитет Сиёсий бюроси Пленумнинг кун тартибини белгилаётганида дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олмоқ учун ерларни мелиорация қилишнинг кенг масаласини муҳокама қилиш кераклигини айтди.

Ерларни суғориш ишлари кейинги вақтларгача бизда асосан пахта ва бошқа баъзи техника экинларини етиштириш учун ривожлантирилиб келди. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, бу ишда яхши натижаларга эришдик. Пахта, техника экинлари ва сабзавот экишни бундан буён ҳам ҳар тўмонлама кенгайтира берамиз, шу мақсадда янги суғорилган ерларни ўзлаштира берамиз.

Бироқ, энди биз суғориладиган деҳқончилик масалаларини фақат пахтачилик нуқтаи назаридан эмас, балки хила кенгроқ миқёсда кўриб чиқишимиз керак. Бунда гап ерларни суғоришни қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаларидан бири бўлган дон етиштиришни кўпайтириш вазифасига хизмат қилдириш тўғрисида боратўр. Бу ишда биз анча орқада қолганмиз. Шуни эслатиб ўтайки, суғориладиган ерлардан етиштирилаётган дон билан шоли ҳозирги вақтда мамлакатда олинаётган ялпи дон ҳосилининг атиги 2 процентини ташкил қилади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, товар дон етиштирилаётган зоналарда суғорилаётган майдон жуда кам. Суғорилаётган ерларга экилаётган дон экинлари Россия Федерациясида фақат ярим миллион гектарни, Украинада 103 минг гектарни, Молдавияда 9 минг гектарни ташкил қилади. Ҳатто, қурғоқчилик жуда тез-тез бўлиб турадиган Волга бўйида суғориладиган ерларнинг атиги 24 минг гектарига дон экинлари экилмоқда, бу эса, дон экилаётган жамики майдоннинг тахминан ўндан бир процентини ташкил қилади.

Шундай қилиб, товар дон етиштирилаётган асосий районларда аслини олганда, биз ҳосилдорликни оширишнинг ва олинаётган ялпи маҳсулотни кўпайтиришнинг қудратли воситаси бўлган суғоришдан фойдаланмаётирмиз.

Пленум муҳокамасига қўйилган тадбирларда асосан дон экинлари ва бошқа экинлардан гарантияланган мўл ҳосил олмоқ учун суғориладиган деҳқончиликнинг янги катта районларини вужудга келтириш кўзда тутилади. Бундай районлар, аввало, Шимолий Кавказда, Украинанинг жанубида, Волга бўйида, Молдавияда, Амударё этакларида ва Қозоғистоннинг баъзи районларида вужудга келтирилади.

Сўзга чиққан ўртоқлар айрим колхозлар ва совхозлар суғорилаётган майдонларда, айниқса об-ҳаво шароити ноқулай келган йилларда дон экинларидан суғорилмайдиган ерлардагига қараганда икки-уч баравар ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олаётганликларини кўрсатувчи кўпгина мисолларни айтиб беришди.

Суғориладиган ерларда бугдой, шоли, шунингдек, айниқса уқтириб ўтишим керакки, маккажўхори ва бошқа экинлар ҳосилини етиштиришни кенг ривожлантириш, ҳеч шубҳасиз, мамлакатда дон экинларидан муттасил гарантияланган мўл ҳосил олишнинг энг муҳим чорасидир. Суғориладиган ерларда қанд-лавлаги, беда ва бошқа экинлар етиштиришнинг аҳамиятини ҳам уқтириб ўтиш керак. Бу масалани Марказий Комитет Пленумида муҳокама қилиш учун тайёрлаётган вақтимизда, қишлоқ хўжалик муассасаларининг баъзи ходимлари ва айрим олимлар суғориладиган ерларда дон экинлари етиштириш соҳасида тажриба йўқлигини айтишди. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, бундай тажриба бизда ҳам, жаҳон практикасида ҳам бор. Бу тўғрида ўртоқ Алексеевскийнинг докладида айтиб ўтилди. Комяхов, Золотухин, Гарюгин, Шибаев ўртоқлар ва Пленумнинг бошқа қатнашчилари ўз нутқларида ишонарли мисолларни айтиб ўтишди.

Шу сабабли, суғориладиган ерларда дон хўжалигини ва, аввало, бугдой, маккажўхори, шоли етиштиришни дадил ва қатъият билан ривожлантира бериш керак. Суғориш усуллари, қишлоқ хўжалиги экинларининг навлари, инженерлик иншоотларининг системалари ва шулар каби бир талай масалалар туғилади, албатта. Лекин биз яқин йиллар ичида бу соҳада катта тажриба тўплаймиз, олимларимиз ва практикларимиз кенг тажриба ишларини олиб борадилар, дон ва бошқа экинларнинг қайси навлари суғориладиган ерларнинг турли зоналарида экилганида қандай натижа беришини текшириб турадилар ва янги навлар етказишга ҳаракат қиладилар, деган умиддамиз. Чет элларнинг тажрибасидан ҳам кенг фойдаланиш керак.

Турли зоналарнинг хўжаликларида фурсатни қўлдан бермай, ҳозирдан бошлаб тажрибалар қилишга киришиш ва шу асосда ерларни энг тежамли ва рационал ўзлаштиришга доир ҳамда бошқа кўпгина масалаларга доир синовдан ўтган тавсиялар тайёрлаб бериш учун олимларимизга имконият яратиб бериш керак. Айрим массивларни лойиҳалаш, шу массивларни ўзлаштириш йўлларини белгилаш ишида баъзи камчиликлар ва хатоларга йўл қўйишимиз ҳам мумкин. Бу камчилик ва хатолар у қадар катта бўлмайди, тўпланган тажрибамиз эса, келгуси йилларда мана шундай камчилик ва хатолардан қутулишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш тадбирлари комплексида биз шоликорликни кенг ривожлантиришни биринчи навбатдаги ва муҳим тадбир, деб ўйлаймиз. Инженерлик асосига қурилган катта шоликорлик системалари вужудга келтириш ва мамлакатни яқин йиллар ичида гуруч билан тўла равишда таъминлаш вазифаси март Пленумидаёқ қўйилган эди. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, шоли етиштиришда биз кўп йиллардан бери аслини олганда, бир нуқтада қолиб келдик, ҳатто шолининг ялпи ҳосилини революциядан олдинги даражага етказа олганмиз йўқ.

Ўтган йил бу ишлар кенг миқёсда авж олдириб юборилди. 1965 йилда ва шу йилнинг дастлабки ойларида мамлакатимизда 60 минг гектар майдонда инженерлик асосига қурилган шоликорлик системалари тайёрланди ва фойдаланишга топширилди. Ўтган йил шолининг ялпи ҳосили 583 минг тоннага етказилди, ёки революциядан олдинги даражадан қарийб икки баравар ошиб кетди.

Бу йил 230 минг гектар ерга шоли экилади, бу кимматли экиндан тахминан 670 минг тонна ҳосил олиш кутилмоқда. Краснодар ўлкасида, Херсон, Қрим областларида, Қозоғистонда, Ўзбекистонда ва бошқа районларда шоликор ерларни кўпайтиришда таташаббускорлик кўрсатган кўпгина колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассислар, қурувчиларнинг яхши ишлаганлигини алоҳида қайд қилиб ўтмоқчиман.

Тўпланган тажрибага таяниб туриб, биз шоликорликни ривожлантиришни тагин ҳам кенг авж олдиришимиз лозим. Қилинган ҳисоблар шуни кўрсатиб турибдики, ушбу беш йилликнинг охирига бориб, биз шоли етиштиришни тахминан 1,5 миллион тоннага етказиш имкониятига эга бўламиз. Веш йилга мўлжалланган планда ярим миллион гектар майдонда янги шоликорлик системалари қуриш кўзда тутилди. Краснодар ва Приморье ўлкалари, Қрим, Херсон, Одесса, Астрахань, Ростов, Қизил Ўрда ва Чимкент областлари, Қорақалпоғистон ва Доғистон автоном республикалари шоли етиштиришни кўпайтиришга энг катта ҳисса қўшишлари лозим. Бу — мазкур республикалар, ўлкалар ва областлардаги партия, совет, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органларининг фахрли вазифаси.

Шоли — жуда серҳосил экин. Буни Херсон областидаги «Радянська Украина» колхозининг раиси ўртоқ Попович Пленумда жуда яхши гапириб берди. Ҳамма колхозларда ва совхозларда шоли ҳосилдорлигини анча ошириш мумкинлигини тажриба кўрсатиб турибди. Бунинг учун, жумладан, селекция ишини яхшилаш, шолининг жаҳондаги энг яхши навларидан сифати қолишмайдиган энг серҳосил навларини яратиб бериш керак.

Агар биз бу ишга берилаётган эътиборни сусайтирмасак, бой имкониятларимиздан тўлиқроқ фойдаланса, ўзимиз етиштирган гуруч билан мамлакатни таъминлаймиз, бей март Пленумида қўйилган вазифа муваффақиятли ҳал этилганлигини партиянинг навбатдаги съездига мамнуният билан айтиб бера оламиз.

Ўртоқлар! Ер қора тупроқ бўлмаган зона тўғрисида яна гапириб ўтмоқчиман. Бу зона қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтиришга қаратилган бутун планимизда алоҳида ўрин олиб турибди. Бу жуда кенг зона. Ери қора тупроқ бўлмаган зонанинг РСФСРдаги 28 областида, Украина Полесьесининг 7 областида, Белоруссия, Литва, Латвия ва Эстонияда 50 миллион гектарга яқин ҳайдаладиган ер бор. Бу зонанинг об-ҳаво шароити қулайлиги айтиб ўтилди. Дарҳақиқат, бу зонада қурғоқчилик деярли бўлмайди. Бироқ, асосан ерлар қаровсиз қолганлиги сабабли, қишлоқ хўжалик маҳсулотларий етиштириш даражаси жуда паст, гектар бошига олинаётган ҳосил жуда кам. Дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги кейинги ўн йил ичида гектар бошига 8,2 центнерни ташкил қилиб келди. Давлат бу зонада энг кўп деганда йилига 3 миллион 900 минг тонна дон олиб келди.

Ери қора тупроқ бўлмаган зонадаги қишлоқ хўжалигини юксалтириш проблемасини кўп вақтдан бери муҳокама қилмоқдамиз, лекин ҳақиқатда биз бу проблемани ҳал қилишга Марказий Комитетнинг март Пленумидан кейингина чинакам киришдик. Бу зонадаги колхозлар ва совхозларда дон етиштириш ишларини рентабеллаштирмоқ учун ҳозир яхши иқтисодий шароит яратиб берилди, деҳқончилик системаси қандай экинлар экиш ва шу кабилар соҳасида хўжаликлар олдига тўмишда қўйилган тўғаноқларнинг кўпи олиб ташланди.

Энди биз иқтисодий рағбатлантириш чораларига қўшимча қилиб, ерларни тубдан яхшилашга доир катта-катта тадбирлар қўрмоқдамиз, шундай қилиб, ери қора тупроқ бўлмаган районларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтириш мустаҳкам негизга қўйилмоқда.

Ери қора тупроқ бўлмаган зонада мелиорациянинг берадиган самараси жуда катта. Буни дон ва бошқа экинлардан муттасил мўл ҳосил олаётган, гектар бошига ҳисоблаганда кўп маҳсулот бераётган илғор хўжаликлар ва районларнинг тажрибаси аққол кўрсатиб турибди. Шу зонада далаларда тартиб ўрнатган, ерларни оҳак билан ўғитлаб турган, эҳтиёж ерларнинг захини кеткизган ва бошқа шу каби чоралар кўрган бир қанча хўжаликларда олинаётган ҳосил ери қора тупроқ районларда олинаётган ҳосилдан сира қолишмаётганлиги ва айрим йилларда, ҳатто ошиқроқ бўлаётганлиги очиқ кўриниб турган факт-ку, ахир. Бу тўғрида, жумладан, Кэбин, Батия, Калмик ва бошқа ўртоқлар бу ерда гапириб ўтишди.

Шу зонада ўтказиладиган мелиорация ишларининг кенг плани яна ер майдонларини қишлоқ хўжалик оборотига тортишда ҳам, шунингдек асосан қишлоқ хўжалиги учун фойдаланилаётган ерларда хўжаликни юритишни анча яхшилашни ҳам назарда тутиб тузилди. Ерларни яхшилаш, унумдорлигини ошириш борасида мўлжалланган программани тўла бажармоқ учун ҳамма чораларни кўришни Госпланган, Қишлоқ хўжалик министрлигидан, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидан, «Сельхозтехника» бирлашмасидан, маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органларидан талаб қилишимиз лозим. Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш вазифасини ҳал қилиш билан Ватанимизнинг энг бой ва аҳоли зич жойлашган мана шу ўлка экономикасини ва маданиятини тагин ҳам баланд кўтарган бўламиз.

Мамлакатнинг ҳамма зоналарида ўтлоқлар ва яйловларни яхшилаш соҳасида қилинадиган катта ишлар планда белгилаб берилди. Шундай қилиниши ҳам мутлақо тўғри. Пленумга тайёрларлик кўраётган вақтимизда, кўпгина обкомларнинг секретарлари билан суҳбатлашиб чиқдик. Ўртоқларнинг ҳаммаси табиий озуқа берадиган ерларни яхшилаш чоралари сира кечиктириб бўлмайдиган чоралар эканлигини айтишди. Бу чораларнинг муҳимлигини Пленумда сўзга чиққанлар ҳам уқтириб ўтишди. Болтиқ бўйи республикаларидаги колхозлар ва совхозлар ўтлоқ ва пичанзорларни яхшилаш борасида катта ишлар қилмоқдалар. Уларнинг қимматли тажрибасини, жумладан, маданий яйловлар вужудга келтириш тажрибасини бошқа республикалар ва областларнинг хўжаликларига ёйиш керак.

Ўтлоқлар, яйловлар ва пичанзорларни маданий ҳолатга келтирсак, бу билан нақадар катта бойликни ўзимизга хизмат қилдиришимизни тасаввур қилиш мумкин. Рақамларни кўрсатиб ўтирмайман, лекин бемалол айтиш мумкинки, ўтлоқ ва яйловлар мен айтиб ўтгандек, маданий ҳолатга келтирилса, колхозлар ва совхозлар анча кўп қорамол, қўй боқадиган бўлиб қоладилар, чорвачилик маҳсулотларини анча ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш имкониятига эга бўладилар.

Қурғоқчилик районларидаги яйловларни сув билан таъминлаш тадбирларини ўтказишга эътибор бериш керак. Агар яйловлар сув билан таъминланса, эҳтиёт озуқа запасларига эга бўлмоқ учун яйловларни яхшилаш ишлари ўтказилса, мазкур районларда қўй ва бошқа чорва молларни анча кўпайтириш мумкин. Бу тадбирларни ўтказиш учун қилинган харажатларнинг ўрни тез қопланади, бинобарин, шундай харажатлар қилишдан қайтмаслик керак. Яйлов чорвачилигини, айниқса Қозоғистон, Қирғизистон, Шимолий Кавказ районларида, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларида ривожлантира бериш керак.

Ўртоқлар! Бу Пленумда шу нарсани алоҳида куч билан уқтириб ўтмоқчиманки, кейинги йилларда ва, ҳатто кейинги ўн йил мобайнида бизда ердан тўғри фойдаланиш учун бўлган масъулият пасайиб кетди. Буни шу факт ҳам кўрсатиб турибдики, қўриқ ерлар ўзлаштирилмаган районларда ҳайдаладиган ерлар камайиб кетди. Яхши қарариш қилинмаётганлиги сабабли, анча-анча майдонлар деҳқончилик учун яроқсиз бўлиб қолмоқда. Бундай қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни яроқсиз ерлар қаторига ўтказиш, давлат ер фондига топшириш майиллари пайдо бўлди. Баъзи рақамларни айтиб бераман. РСФСРнинг Марказий райони областларида ҳайдаладиган ерлар кейинги йилларда 600 минг гектар камайди, Ғарби-Шимолий районда 400 минг гектар камайди. Ҳатто, Украинада ва Марказий-Қора тупроқ зонасидаги областларда ҳам ҳайдаладиган ерлар камайиб кетди.

Пленумда сўзга чиққанлар йўллар, электр линиялари, газ қувурлари доираси деб аталган зонага кўпгина ерлар, кўпинча керагидан ортиқ миқдорда ажратиб берилаётганлигини тўғри айтиб ўтишди. Бу ерлардан ҳам қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун фойдаланилмаётир, ўт босиб кетмоқда, баъзан унумдор ерлар ўринсиз равишда сув остида қолдирилмоқда.

Саноат қурилиши ва бошқа қурилишлар учун ер ажратиб беришни тақиқлаб қўя олмаймиз, албатта. Лекин бундай мақсадлар учун ерларни ажратишда жуда эҳтиёт бўлиш, аниқ ҳисоб-китоб қилиб, шундай йўлларни топиш керакки, бу мақсадларга ажратиладиган ерлар мумкин қадар камроқ бўлсин ва асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига унчалик ярамайдиган ерлардан ажратиб берилсин.

Ердан фойдаланиш тўғрисида қонун қабул қилиш зарур, деган таклифлар бор. Бундай таклифни қўллаб-қувватлаш керак, деб ўйлайман. Бу тўғридаги қонунда ердан тўғри фойдаланиш тартиби ва бунинг учун ҳамма ташкилотлар зиммасидаги масъулият белгилаб берилиши лозим.

Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларидан кам ҳосил олинаётганлигини ва бундай ерлар қаровсиз бўлиб қолаётганлигини кўрсатувчи фактлар масаласи ўртоқ Алексеевский докладида жуда енгил-елпи қилиб айтиб ўтилди. Биз мана шу қимматли ерлардан фойдаланиш учун бўлган масъулиятни оширишимиз лозим. Сиёсий бюро суғориладиган ерлардан жуда ёмон фойдаланишга йўл қўйган баъзи ташкилотларнинг фаолиятига хила таҳқидий назар билан қараб баҳо бериш керак, деб ҳисоблайди. Бундай фактлар афсуски, оз эмас.

Озарбайжонда суғориш учун тахт қилиб қўйилган ерлар 1960 йилда 1 миллион 229 минг гектар эди. Шу йиллар мобайнида 100 минг гектар ерга сув чиқарилди. Бироқ, ҳақиқатда суғориладиган майдонлар фақат 49 минг гектар кўпайди. Шундай қилиб, суғорилаётган ерлардан беш йил ичида 50 минг гектардан кўпроғи ташландиқ бўлиб қолган. Яна бунинг устига ўтган йил суғориладиган ерлардан 148 минг гектари фойдаланилмай қолиб кетди.

Суғориш системалари қуришга катта-катта маблағлар сарфланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти кўпаяди, деб кутишга ҳаққимиз бор эди. Лекин маҳаллий органлар муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш планини камайтиришни сўраб, ҳукуматга мурожаат қила бердилар, бунинг учун суғориладиган ерлар яроқсиз бўлиб қолди, деган баҳоналарни кўрсатдилар. Умуман СССРда ҳар бир гектардан олинаётган пахта ҳосили 1955 йилдан бери 5,5 центнер кўпайган бўлса, Озарбайжонда пахта ҳосилдорлиги 3,2 центнер камайиб кетди ва ўтган йил мамлакатдаги ўртача ҳосилдорлик 23,2 центнер бўлгани ҳолда, Озарбайжонда фақат 15,6 центнер бўлди. Республикада пахта тайёрлаш кейинги йилларда 40 минг тоннадан зиёдроқ камайди.

Бундай савол беришга ҳақлимиз: республика қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг бундай аҳволга тушиб қолганлиги учун ким жавобгар? Бундай ғайри нормал аҳволга йўл қўймаслик учун ким ва нима ҳаракат қилиши лозим? Сиёсий бюро суғориладиган ерлардан жуда ёмон фойдаланишга йўл қўйган баъзи ташкилотларнинг фаолиятига хила таҳқидий назар билан қараб баҳо бериш керак, деб ҳисоблайди. Бундай фактлар афсуски, оз эмас.

Озарбайжонда суғориш учун тахт қилиб қўйилган ерлар 1960 йилда 1 миллион 229 минг гектар эди. Шу йиллар мобайнида 100 минг гектар ерга сув чиқарилди. Бироқ, ҳақиқатда суғориладиган майдонлар фақат 49 минг гектар кўпайди. Шундай қилиб, суғорилаётган ерлардан беш йил ичида 50 минг гектардан кўпроғи ташландиқ бўлиб қолган. Яна бунинг устига ўтган йил суғориладиган ерлардан 148 минг гектари фойдаланилмай қолиб кетди.

Суғориш системалари қуришга катта-катта маблағлар сарфланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти кўпаяди, деб кутишга ҳаққимиз бор эди. Лекин маҳаллий органлар муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш планини камайтиришни сўраб, ҳукуматга мурожаат қила бердилар, бунинг учун суғориладиган ерлар яроқсиз бўлиб қолди, деган баҳоналарни кўрсатдилар. Умуман СССРда ҳар бир гектардан олинаётган пахта ҳосили 1955 йилдан бери 5,5 центнер кўпайган бўлса, Озарбайжонда пахта ҳосилдорлиги 3,2 центнер камайиб кетди ва ўтган йил мамлакатдаги ўртача ҳосилдорлик 23,2 центнер бўлгани ҳолда, Озарбайжонда фақат 15,6 центнер бўлди. Республикада пахта тайёрлаш кейинги йилларда 40 минг тоннадан зиёдроқ камайди.

Бундай савол беришга ҳ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИНИНГ ОХИРИ

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

турибмиз. Мисол тариқасида шуни кўрсатиб ўтаман. Биз шоликорликни анча кенгайтирмоқдамиз, шолини йиғиштириб оладиган махсус комбайнларга эса шу вақтгача эга эмасмиз. Юқори ҳосилли буғдойни ўриб йиғиштириб оладиган яхши комбайн ҳам йўқ. Емирлатиб суғорадиган машиналарнинг конструкциялари ҳам эскириб қолган. Бунда фан учун ҳам, конструкторлар учун ҳам, ишлаб чиқариш ходимлари учун ҳам кенг иш майдони бор.

Ерларнинг унумдорлигини кўпайтириш юзасидан Пленумимиз белгилаётган бундай улкан программани амалга оширмоқ учун ҳамма звеноларда мустаҳкам партиявий интизом ва давлат интизоми бўлиши керак. Бизда ҳукуматнинг топшириқларини бажармай қолиш каби ҳоллар кўп учраётганлиги сабабли шу ҳақда гапиришга тўғри келади. Бир фактнигина мисол қилиб келтираман. СССР Министрлар Совети 1964 йилда оҳак ва ганч ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида, шунингдек оҳак материалларни ташиб келтириш ва тупроққа солиш учун керакли машиналар ишлаб чиқарадиган корхоналарни вужудга келтириш ва ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Марказий Комитетнинг март Пленуми ҳам тупроқни оҳақ билан ўғитлаш ишлари муҳим эканлигини таъкидлаган эди. Қарор қабул қилинган пайтдан буён сал кам икки йил ўтди. Ҳозирги вақтда оҳак материаллари ишлаб чиқариш қандай қўйилган? Афсуски, кўнгилдагидек эмас. 1965 йилда 2.680 минг тонна ҳажмидаги қувватларни ишга тушириш юзасидан топшириқ берилган бўлса ҳам, атиги 575 минг тонна оҳак материали ишлаб чиқарилган. Бу материалларнинг сифати жуда паст эканлигини ҳам маълум қилдилар. Топшириқларга шундай муносабатда бўлишга асло тоқат қилиш мумкин эмас.

Мелиорация планини бажариш — ғоят муҳим ишдир. Эндиликда мелиорация ишларини амалга оширмоқ учун зарур машиналар, ускуналар ва материалларнинг етказиб берилиши министрликлар, корхоналар, партия ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларининг фаолиятига баҳо беришда, ҳар бир раҳбарнинг ана шу муҳим ишни ташкил эта билиш қобилиятларига баҳо беришда мезон бўлиб қолмоғи керак.

Ўртоқлар! Биз Пленумда ғоят муҳим масалани муҳокама қилдик. Юзаки қараганда ерларни мелиорация қилиш тўғрисидаги тор ва махсус масала бўлиб кўринган масаладан буюк давлат аҳамиятига эга бўлган катта тадбирлар келиб чиқди. Биз ишлаб, кўпроқ тажриба орттирган, олимлар, агрономлар, конструкторлар, инженерлар-саноатнинг барча ходимлари ва, аввало, қишлоқ ва сув хўжалиги ходимлари, совет ва партия органларимиз бу ишга энг актив киришганлари тақдирда, бу проблеманинг моҳияти ҳартомонлама ва янада яққол намоён бўлади.

Биз ҳозирги пайтда улкан ишларни бошлаб юбордик, холос. Асосий ва энг муҳим ишлар энди бажарилади. Пленум қарорларига ва КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг шундан кейинги қарорларига асосан ҳар бир областда, ҳар бир районда, ҳар бир колхоз ва совхозда ернинг унумдорлигини ошириш юзасидан конкрет тадбирлар плани ишлаб чиқилиши лозим. Биз хўжаликларнинг мутахассислари, колхозчилар ва совхоз ишчилари бу планларни ишлаб чиқишда қатнашадилар, деб умид боғлаймиз. Ҳар бир хўжаликда зарур мелиорация ишлари бирон ҳажмда олиб борилиши мумкин ва лозим, ерлардан фойдаланишни яхшилаш ва ҳосилдорликни ошириш чоралари белгиланиши мумкин ва лозим.

Планларимизни амалга ошириш учун мутахассисларни — инженерлар, гидротехниклар, агрономлар, яйлов ходимлари, бинокорларни тайёрлаш ва қайтадан тайёрлаш соҳасида кўп иш қилишни талаб этади. Хусусан ўрта звено кадрларини, шунингдек механизаторларни, сувчиларни ва бошқа ўммавий касб ходимларини тайёрлаш зарурлигини таъкидлаб ўтиш керак. Барча колхозчилар ва совхоз ходимларида мелиорацияга қизиқиш хиссини тарбиялаш, уларга малака ўргатиш, уларни билим ва тажриба билан қуроллантириш лозим. Аслини олганда, катта ишлар амалга ошириладиган районларда янги мутахассисларга эга бўлиш керак, қурғоқчил даштлардаги кишилар сувнинг кучини пайқаб оладилар ва мўл ҳосил етиштириш учун сувдан фойдаланишни ўрганадилар.

Кўпинча мураккаб шароитларда олиб бориладиган мелиорация ишларида бевосита банд бўлган мутахассисларни, малакали ишчиларни йоддий жиҳатдан қўшимча рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш тўғрисида ўйлаб кўришга тўғри келса керак. Сув хўжалиги ташкилотларида ишлаётган механизаторларга келганда шуни айтиш керакки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг совхозлардаги тракторчи машинистлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида яқинда қабул этилган қарорида кўзда тутилган шартларни, афтидан, уларга нисбатан ҳам жорий қилишга тўғри келар.

Пленумда кўп ўртоқлар сўзга чиқишди. Уларнинг ўз нутқларида айтган таклифлари, фикр ва мулоҳазалари муҳим ва қимматли эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу масала юзасидан фақат бир гапни айтиш мумкин. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Министрлар Совети, министрликлар бу таклиф ва мулоҳазаларни зўр эътибор билан қараб чиқадилар, тегишли қарорларни қабул қилган вақтда уларни эътиборга оладилар. Шу нарса равшанки, барча ўртоқларнинг илтимосларини айни бир вақт ичида бажариш иложи йўқ. Мелиорация соҳасидаги ишларнинг қайсиларини олдин ва қайсиларини кейинроқ бажариш кераклигини аниқлаган пайтда умумдавлат манфаатлари ҳисоб-эътиборга олинади. Бунда шу нарсани кўзда тутиш керакки, ҳар қандай иш, қайси ўлка ёки қайси областда бажарилишидан қатъий назар, пировардида умумий ишга хизмат қилади.

Жойларда, партия ташкилотларида катта иш қилиш керак. Бизнинг фикримизча, шу Пленумда муҳокама этилган масала иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, район партия комитетларининг пленумларида ва бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида қараб чиқишга арзийди. Шу Пленумимизнинг қарорларини колхозчилар, совхоз ишчиларининг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги илмий тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг умумий йиғилишларида тушунтириб бериш, шунингдек бу қарорларнинг аҳамиятини мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларига тушунтириб бериш ҳам мақсадга мувофиқдир. СССР Фанлар академияси, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академияси, республикаларнинг фанлар академиялари ҳам ўз мажлисларини шу проблемани муҳокама қилишга бағишлашларига ишонамиз.

Партия Марказий Комитети мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари бу Пленумнинг қарорларини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксак даражага кўтариш учун ерларни мелиорация қилиш юзасидан Пленум ишлаб чиққан кенг программани ўзларининг жонажон иши деб билишларига, бу программани муваффақиятли бажариш учун ўз кучлари ва қобилиятларини сарфлашларига умид боғлайди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми жуда катта тадбирларни ишлаб чиқди. Биз бу тадбирларни бажариш соҳасида яхши ишлар эканмиз, қунт ва сабот-матонат билан меҳнат қилар эканмиз, бу — халқ учун жуда катта ва фойдали иш бўлади. Биз ерларимизни ўзгартириб юборамиз, қишлоқ хўжалигининг ҳақиқатан ҳам барқарор ва мунтазам ривожланиб боришини таъминлаймиз.

Ерларни мелиорация қилиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш кенг программаси ва шу асосда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ўстириш коммунизмнинг моддий техника базасини барпо этишнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Ишонч билдириб айтаманки, партия ташкилотлари колхозчиларни, совхоз ходимларини, барча меҳнаткашларни шу программани муваффақиятли бажаришга сафарбар қиладилар. Шу билан мамлакат экономикасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиладилар.

ДОН ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИДАН МУТТАСИЛ МЎЛ ҲОСИЛ ОЛМОҚ УЧУН ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШНИ КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри ўртоқ Е. Е. АЛЕКСЕЕВСКИЙ доклади

Ўртоқлар!

КПСС XXIII съездининг қарорларини бажариш юзасидан мамлакатимизнинг жуда кенг майдонларида ғоят зўр яратувчилик ишлари авж олдириб юборилди. Экономикани янада ўстиришнинг, халқ моддий фаровонлигини ва маданий савиясини анча оширишнинг партия съездида қабул қилинган улуғвор программаси совет кишиларини қувонтирмоқда ва руҳлантирмоқда. Бу программани амалга ошириш шу куннинг амалий вазифаси бўлиб қолди, шаҳар ва қишлоқнинг миллионлаб меҳнаткашлари уни бажаришга киришдилар.

Партия Марказий Комитетининг 1965 йилги март Пленуми планлаштиришни, иқтисодий рағбатлантиришни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника таъминотини яхшилашга доир жуда катта тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирларни амалга ошириш қишлоқдаги вазиятни сезиларли равишда яхшилади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва харид қилишни кўпайтирмоқ, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ўзлари қилаётган меҳнатнинг натижаларидан моддий манфаатдорликларини оширмоқ учун янги имкониятлар яратиб берди.

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Пленум арафасида қабул қилган қарори ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Мазкур қарорда қишлоқ хўжалик артелларига совхозлардаги ходимлар айни категорияларининг тариф ставкаларига асосланиб колхозчилар меҳнатига (пул ва натура билан) гарантияланган ҳақ тўлашни 1966 йил 1 июлдан бошлаб жорий қилиш тавсия этилди. Колхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтирмоқ учун бу тадбирнинг аҳамияти жуда катта.

Қишлоқ хўжалик соҳасида асосий вазифа бўлган қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида КПСС XXIII съезди мамлакатнинг ҳамма зоналарида тупроқнинг унумдорлигини ва деҳқончилик маданиятини юксалтириш ишларини умумдавлат миқёсида амалга оширишни зарур деб топди. Ернинг ҳар бир гектаридан олинадиган ҳосилни бутун чоралар билан ошираверайлик,— бу иш ҳозирги вақтда умуман қишлоқ хўжалигини ва хусусан дон етиштиришни ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи шартидир, деб съездда уқтириб ўтилди.

Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан бундан бир йил муқаддам КПСС Марказий Комитетида муттасил юқори ҳосил олишига эришмоқ учун тупроқнинг унумдорлигини ошириш масалалари ишлаб чиқила бошланди, қурғоқчиликка ва намгарчиликнинг ҳаддан ташқари кўп бўлишига қарши кураш учун мелиорация проблемалари ўрганиб чиқила бошланди. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Госплани ва иттифоқдош республикалар билан биргаликда шу масалалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш топширилган эди.

Бу тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнида улар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида бир неча бор қараб чиқилди. КПСС Марказий Комитетида қишлоқ хўжалик ва мелиорация фани вакиллари билан, сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги органлари ходимлари билан, қоратупроқли бўлмаган зонадаги бир қатор хўжаликларнинг раҳбарлари билан бир неча кенгаш ўтказилди.

КПСС Марказий Комитети бизнинг таклифларимизга жиддий тузатишлар киритди. Бунинг натижасида масала дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун ернинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам асосларини вужудга келтириш юзасидан улкан умумдавлат плани даражасига кўтарилди.

Сиёсий бюро менга шу таклифлар тўғрисида КПСС Марказий Комитети Пленумига ахборот беришни топширди.

1. Ернинг ҳар бир гектарини ҳам серҳосил қилайлик

Ерларни мелиорациялаш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг табиий шароитини яхшилашга, ерларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган хилма-хил тадбирларнинг жуда катта комплексини ўз ичига олади. Катта ер массивларини суғориш, захини кетказиш ва сув билан таъминлаш ишларини кенг миқёсда олиб бориш билан бир қаторда, ўтлоқлар ва яйловларни яхшилаш, торф компостлари солиш, ҳайдашга яроқли ерларни майда дарахтлар, чакалаклар ва тошлардан тозалаш, далалардаги майда пайкаллларни ва ўнқир-чўқирларни йўқотиш, қайрлар захини кетказиш, далаларни шамол нурат-ценига ва сув ювиб кетишига (эрозияга) қарши кураш, далаларни қум босишдан ва жарлар кўпайиб кетишидан сақлаш, иҳота дарахтзорларини ремонт қилиб туриш ва янгиларини вужудга келтириш, сув ҳавзалари қуриш, ерларни маҳаллий ариқлар суви билан суғориш ва бошқа кўпгина шулар каби мелиорация тадбирларини ташкил этиш назарда тутилади.

Ерларни химиявий мелиорациялаш ишларига, аввало, кўп миллион гектарлаб ерларда ўтказишимиз лозим бўлган ишларга, яъни нордон тупроқларни оҳаклаш, шунингдек шўрҳоқ ерларни гипслаш ишларига жиддий эътибор бермоқ керак.

Ерларнинг унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар фақат мазкур айтиб ўтилган ишларнинг ўзидагина ифорат бўлиб қолмайди. Табиийдирки, бу ишларни алмашлаб экишларни жорий қилиш, дала ишларини энг яхши муддатларда ўтказиш, юқори сифатли уруғликлар экиш, беғона ўтларни йўқотиш, тупроқ намини сақлаб қолиш, минерал ва маҳаллий ўғитлар солиш ва бошқа кўпгина шулар каби деҳқончилик маданиятини оширадиган воситалар билан албатта қўшиб олиб бориш лозим.

Шундай қилиб, биз ерларни суғориш ва захини кетказиш проблемаларинигина ҳал қилиб қолмасдан, шу билан бирга, ҳамма ерларни тартибга солиш, шу ерларнинг унумдорлигини ошириш, муттасил мўл ҳосил берадиган қилиш борасида ҳам катта ишларни авж олдириб юборишимиз керак.

Ернинг ҳар бир гектарида қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун кураш мамлакатнинг ҳар бир зонасидаги деҳқончилик ходимларининг биринчи вазифасидир. Барча мелиорация тадбирлари анча самарадор бўлгани ҳолда қурғоқчилик зонасидаги ерларни суғориш, нами ортиқча бўлган ерларнинг захини кетказиш, ери қора тупроқ бўлмаган зонада эса, бундан ташқари, нордон тупроқларни оҳак билан ўғитлаш ерларнинг унумдорлигини муттасил ошириб боришнинг энг тўғри воситаси бўлиб, бундай ерлардан энг кўп маҳсулот олишни таъминлайди.

Мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шароити жуда ҳам хилма-хил. Шу билан бирга, ҳайдашга яроқли ерларнинг анча қисми қурғоқчилик бўладиган районларда ёки нами ҳаддан ташқари кўп районларда жойлашган бўлиб, бу районларда, аввало, сув мелиорацияси ишларини ўтказиш негизидагина ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш мумкин.

Мелиорациялаштириладиган ерларда интенсив деҳқончиликни ривожлантирмоқ учун бизданги имкониятлар ҳақиқатан ҳам чексиз. Олимларнинг ва лойиҳаловчи ташкилотларнинг қилган ҳисобларига қараганда, бизданги мавжуд ер-сув ресурслари суғориладиган ерлар майдонини 30 миллион гектарга етказишга, Шимолдаги ва Сибирдаги дарёлар сувининг оқишини буриб юборган тақдирда эса, бундай ерларни 70-80 миллион гектарга етказишга имкон беради. Мавжуд ботқоқликлар ва захкаш ер массивлари захи кетказилган ер майдонлари кўпайтирилиб, 100 миллион гектарга етказиш имкониятини таъминлайди.

Мелиорациялаштириладиган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, сув хўжалиги қурилиш планларини ва ерларни ўзлаштириш планларини амалга ошира бериш суғорилмайдиган ерлардан олинадиган маҳсулот билан бирга бундан буён мазкур ер фондларидан олинадиган ҳосилни қўшиб ҳисоблаганда мамлакат эҳтиёжларини тўла равишда қондирадиган ҳажмда муттасил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб туришимизни таъминлайверади.

Ерларни, айниқса катта массивлардаги ерларни суғориш ва захини кетказиш сув хўжалиги объектларини қуришга катта ва ҳар томонлама тайёргарлик кўришни, шунингдек мелиорациялашган ерларни самарали ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни ўз вақтида ўтказишни талаб қилади. Бу эса, мелиорация ишларини ўтказиш планларини хийла узоқ муддатларга мўлжаллаб тузишни зарур қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам Марказий Комитет Пленуми муҳокамасига киритилаётган таклифлар яқин 10 йилга мўлжалланган мелиорация ишлари программасини ўз ичига олади.

Мелиорациялаштириладиган ерларнинг жамики майдонини ҳозир мамлакатда суғорилиб турган ва захи кетказилиб, яхши ҳосил бераётган 15 миллион гектар ер ўрнига 1975 йилга бориб 37-39 миллион гектарга етказиш назарда тутилади. 10 йил мобайнида тахминан 7-8 миллион гектар ерни суғориш, 15-16 миллион гектар ернинг захини кетказиш кўзда тутилади. 1966—1970 йиллар ўртасидаги беш йилликда ерларни суғориш ва захини кетказиш топшириқлари КПСС XXIII съездида тасдиқланган Директиваларда белгилаб берилди. Мана шу йиллар мобайнида 9 миллион гектар ердаги экин майдонларнинг техникавий ҳолатини яхшилаш ишларини ўтказиш, 20 миллион гектардан кўпроқ майдондаги ўтлоқлар ва яйловларни яхшилаш, 28 миллион гектар майдондаги ғордон тупроқларни оҳак билан ўғитлаш ишларини ўтказиш мўлжалланмоқда. Тупроқнинг физик ҳоссаларини яхшилаш ва ўғитлаш учун 600 миллион тоннадан кўпроқ торф ишлатилади. Эрозияга қарши кураш, иҳота дарахтзорларини тиклаш ва ривожлантириш соҳасида кўпгина ишлар қилмоқчимиз.

Партия ва ҳукумат ерларнинг унумдорлигини оширишга доир катта-катта ишларни мўлжаллаб билан бирга, бу ишларни амалга оширмоқ учун зарур маблағларни ва моддий ресурсларни кўзда тутмоқда. Чунончи 1966—1970 йилларда янги ерларни ўзлаштиришга қилинадиган харажатларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда турли мелиорация ишларига жамики манбалардан 15 миллиард сўмдан кўпроқ пул сарфланади. Сув хўжалиги қурилишининг эҳтиёжлари ва экинзор ерларнинг ҳолатини яхшилаш ишларини ўтказиш учун беш йиллик мобайнида 32 минг экскаватор, 28 минг бульдозер, 18 минг скрепер, 10 минг қаҳувват трактор, 80 минг автомашина ҳамда ўн минглаб бошқа машиналар ва қурилиш механизмлари берилади.

КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат Марказий Комитет март Пленумининг қарорлари асосида бир қанча қарорлар қабул қилдилар ва шу қарорларда колхозлар ва совхозларда ерларни мелиорациялаш ишлари учун энг яхши шароит яратиб бериш чораларини кўзда тутдилар. Шу мақсадда ёғингарчилик ҳаддан ташқари кўп бўладиган районларда ерларни тубдан яхшилаш харажатлари, шу жумладан, ёпиқ зовурлар қуриш ва шундай зовурларни қайта қуриш, хўжаликлар ичида очиқ зовурлар қуриш, торфни қазиб олишга, ташишга ва ундан фойдаланишга доир ишлар комплексини бажариш, нордон тупроқларни оҳак билан ўғитлаш ва бошқа ишларни бажариш харажатлари давлат бюджети ҳисобига ўтказилди. Эндиликда суғориладиган ерларда бўлган хўжаликлар ичидаги коллектор-зовурларни ва суғориш шохобчаларини қуриш ва қайта қуриш ишлари, шунингдек суғориладиган ерларни текислаш мақсадида қилинадиган катта ишлар давлат ҳисобидан бажарилади.

Давлат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаси бўлган ерга шундай кўп капитал маблағларни, аслини олганда биринчи марта сарфламоқда. Давлат буни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини барқарор негизда ўстиришнинг энг муҳим шарти деб билмоқда. Қишлоқда ҳозирнинг ўзидаёқ ўтказилаётган катта иқтисодий ва агротехника чораларига қўшимча қилинган эндиликда мелиорация ишларини ўтказишнинг кенг программаси амалга оширила беради. Бу программа — мамлакатнинг ёғингарчилик ҳаддан ташқари кўп бўладиган, қурғоқчилик бўлиб турадиган районларида ва бошқа барча кенг районларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун қулай шароит яратиб беришга қаратилган программадир.

Аммо, давлат томонидан бериладиган ана шу катта ёрдам чораларини эндиликда колхоз ва совхозларга ўз далаларида бутаклари давлатнинг кесиб олишини, тошларни йиғиштириб олишини, захини қочирадиган шохобчалар ёқасидаги дўнг ерларни текислашни ёки ёввойи ўтларни ўрнб олишини кутиб туришгина қолади, деган маънода талқин қилиш хато бўлур эди.

Бунинг аксича, амалга оширилаётган иқтисодий тадбирлар натижасида хўжаликлар рентабеллигининг ортиши муносабати билан хўжаликлар экинларни парваришқилиш, тупроқни ўзлаштириш, далаларда намунали тартиб ўрнатиш соҳасидаги ишларни янада зўр ғайрат билан тобора кенг кўламда қизитиб юборишлари лозим. Бу — ҳар бир колхоз ва совхознинг бевосита бурчидир. Улар бу ишларни ўз маблағлари, ўз машиналари ва ўзларининг меҳнат ресурслари ҳисобига бажаришлари керак.

КПСС XXIII съезди асосан галланинг ҳосилдорлигини ошириш йўли билан дон етиштиришни кўпайтириш қишлоқ хўжалигида аввалгидек энг муҳим вазифа эканлигини кўрсатиб ўтди.

Хўжаликни илмий асосда юритиш, деҳқончилик маданиятини ва механизациялаш даражасини кўтариш йўли билан, шунингдек бир қанча тадбирларни ўтказиш йўли билан мамлакатнинг ҳамма районларида дон ҳосилдорлигини оширмоқ учун кўпгина ишлар қилиниши мумкин ва лозим. Ерларни мелиорациялаш билан бу ишларнинг аҳамиятини асло камайтириб бўлмайди, айниқса мелиорация ишларини бу ишларга қарама-қарши қилиб қўйиш ярамайди. Шуни назарда тутиш керакки, суғорилмайдиган ерларда ҳосилдорликни кўпайтириш шу беш йилликда, ундан кейинги беш йилликда ҳам дон етиштиришни кўпайтиришнинг асосий йўлидир. Шу билан бирга, дон экмоқ учун суғориладиган ва захи кетказилган ерлардан тағин ҳам анча кенг фойдаланиш дон етиштиришни кўпайтиришнинг янги муҳим воситаси бўлади.

Суғориладиган ерларда шу вақтгача асосан пахта ва бошқа баъзи техника экинлари экилиб келди. Бундай ерларнинг анча қисмига сабзавот ҳам экилмоқда.

Эндиликда партия ва ҳукумат суғориладиган ва захи кетказиладиган ерлардаги районларнинг мелиораторлари, колхоз ва совхоз меҳнаткашлари, партия ва совет ташкилотлари олдига янги масъулиятли вазифалар қўйди.

Шу беш йилликнинг ўзидаёқ ерларни мелиорациялаш йўли билан дон етиштиришга катта ҳисса қўшилиши лозим. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг ҳамда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг қилган ҳисобларига қараганда, дон ялпи ҳосилини кўпайтиришнинг кўзда тутилган миқдоридан тахминан тўртдан бир қисми чамаси беш йилликнинг охирги йилида суғориладиган ва захи кетказилган ерлардан олиниши лозим. Шу билан бирга, бундай ерларда дон етиштириш уч баравардан эндёроқ кўпайтирилади, натижада беш йилликнинг охирига бориб мамлакат суғориладиган ва захи кетказилган ерлардан дастлабки миллиард пуд дон олади.

Ундан кейинги беш йил мобайнида, яъни 1976 йилга борнб мелиорациялаштирилган ерларда дон етиштириш, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг ҳисобларига қараганда 34-36 миллион тоннага етказилади.

Бу реал программами, бу программани амалга ошириш мумкинлиги нима билан исботланади? Украина, Россия Федерацияси, Молдавия ССРнинг қурғоқчилик бўладиган районларида, шунингдек ёғингарчилик ҳаддан ташқари кўп бўладиган зонанинг бир қанча районларида кенг миқёсда ўтказилган ишлаб чиқариш тажрибалари мазкур ерларда дон ва бошқа экинлардан бемалол мўл ҳосил олиш мумкинлигини ва ҳозир ҳам мўл ҳосил олинаётганлигини кўрсатиб турибди.

Айни вақтда шуни кўрсатиб ўтиш керакки, суғориладиган ерларда ҳам, шунингдек суғорилмайдиган ерларда ҳам дон экинлари ҳосилдорлигининг ўртача миқдори мавжуд имкониятларга сира жавоб берарли даражада эмас. Ўрта Осиё, Закавказье республикаларида, Россия Федерацияси ва Қозоғистоннинг баъзи областларида олинаётган ҳосил ҳали ҳам паст. Дон экилган ерларга минерал ўғитлар етарли миқдорда солинмаётир, мелиорациялаштирилган ерлар шароитига энг яхши мосланган навдаги уруғликлар танлаб олинган эмас, агротехника қоидалари кўпинча бузилмоқда.

Айни вақтда ишлар яхши ташкил этилган хўжаликларда мўл ҳосил олинмоқда.

Мелиорациялаштирилган ерларда дон етиштиришнинг мўлжалланган миқёслари, аввало, бу ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Ерга фақат сув чиқариш билан ёки зовурлар қуриш билан мелиорациялаштириб тайёрлаб қўйилган ерларда муттасил мўл ҳосил олиш масаласи ҳал қилинади, деб ўйлаш бутунлай хато. Ҳақиқатда эса, бундай ерлардан муттасил мўл ҳосил олиш хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан катта куч ва ғайрат талаб қиладиган, олимлар ва практиклар, айниқса, суғориш режимини ва техникасини такомиллаштириш масалаларида ижодий ташаббус кўрсатишларини, колхозлар ва совхозларни тўғри ихтисослаштиришни белгилаб беришни, айрим районларнинг конкрет шароити учун дон экинларини етиштиришнинг, шу жумладан, ўғитларни ишлатишнинг энг самарали агрономия усулларини ишлаб чиқишни, меҳнатни тўғри ташкил этишни, моддий рағбатлантиришнинг пухта ўйланган системасини ва бошқа кўпгина тадбирларни талаб қиладиган катта ва мураккаб ишдир.

Суғориладиган ва захи кетказилган районларда дон етиштиришни кескин кўпайтириш борасида партия ва ҳукумат қўйган вазифани муваффақиятли амалга оширмоқ учун қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ташкилотлари, олимларимиз ва мутахассисларимиз, колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари, партия ва совет органлари кўп куч ва ғайрат сарфлашлари керак.

2. Намгарчилик ҳаддан ташқари кўп бўлган зонада ерларни мелиорациялаш — қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг энг муҳим воситаси

Намгарчилиги ошиқча бўлган зонада дон, гўшт, сут, картошка, зиғир ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун мелиорация ишларини ўтказишнинг аҳамияти катта.

Бу зона Россия Федерациясининг 30 дан кўпроқ области ва ўлкасидан, Белоруссия ССРдан, Украинанинг Полесье ва ғарбий областларидан, Латвия, Литва ва Эстония республикаларидан иборат жуда катта территорияни ўз ичига олади.

Ёғингарчилик ҳаддан ташқари кўп бўладиган зона ўзининг табиий-иқлим шароити жиҳатидан дон, картошка, техника экинлари ва чорвачиликка керакли озуқа экинларидан барқарор ҳосил олиб туриш учун, деҳқончилик маданияти тегишли даражага кўтарилган тақдирда эса, муттасил мўл ҳосил олиб туриш учун энг қулай зонадир.

Ҳисобга олинган маълумотларга қараганда, ери қора тупроқ бўлмаган зонадаги жамики ерларнинг катта қисми у ёки бу тарзда мелиорация ишлари ўтказилишига муҳтож.

Бу зонада деҳқончиликка яроқли ерларнинг бир-биридан ғоят ажралиб қолганлиги ва майда пайкаллардан иборатлиги қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўлида катта ғов бўлиб турибди. Ҳайдаладиган ер пайкалларининг ўртача майдони Ленинград областида атиги 1,3 гектарни, Новгород областида 1,6 гектарни, Калинин областида 2,8 гектарни ташкил қилади, холос. Дала участкаларининг бундай майдалашиб кетганлиги тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг иш унумини нақадар пасайтириб юборишини тасаввур қилиш қийин эмас. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорванинг маҳсулдорлиги пасайиб кетганлиги, деҳқончилик ишларини механизациялаш даражаси етарли эмаслиги натижасида шу зонада маҳсулот асосий турларининг таннархи бутун кейинги йиллар давомида мамлакатнинг бошқа районларидагига қараганда анча юқори бўлиб келди, бу эса, кўпгина хўжаликларнинг зарар кўрадиган бўлишларига олиб келди.

Айни вақтда ерлар мелиорациялаштирилганида ҳамда органик ва минерал ўғитлардан кенг фойдаланилган тақдирда ери қора тупроқ бўлмаган зонада жуда мўл ва барқарор ҳосил олавериш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, Болтиқ Бўйи республикаларининг тажрибаси диққатга сазовордир.

Ерларни мелиорациялаш ва деҳқончиликнинг умумий маданиятини ошириш кейинги йилларда мазкур республикаларда ҳосилдорликни анча оширишни таъминлади. 1965 йилда Литва ва Латвияда дон экинларидан гектар бошига 17-19 центнер, Эстония ССРда эса тағин ҳам кўпроқ ҳосил олинди. Аммо, бу республикаларда резервларнинг ҳаммаси тўла ишга солингани йўқ. Болтиқ Бўйи республикаларидаги кўпгина хўжаликлар анча юқори ҳосил олмоқдалар: улар ҳар бир гектар ерда дон экинларидан 30 центнерга етказиб, қанд лавлагидан 250 центнерга етказиб, картошкадан 200 центнерга етказиб ҳосил олмоқдалар, кўп йиллик ўтларнинг ҳар бир гектаридан 40 центнерга етказиб ва ундан ҳам ошириб пичан олмоқдалар.

Ленинград, Брест, Волин областларидаги ва бошқа областлардаги бир қанча колхозлар ва совхозлар захи кетказилган ерларда анча яхши ҳосил олишга муваффақ бўлмоқдалар.

Партия Марказий Комитети мамлакат қишлоқ хўжалигини яна да ривожлантириш планларида намгарчилиги кўп зонага катта аҳамият бермоқда.

Қилган ҳисобларимизга қараганда, шу зонада мелиорациялаштирилган ерларнинг ўзидагина 1971 йилда 6,0 миллион тоннага яқин ва 1976 йилда 14 миллион тонна дон етиштирилиши лозим. Бундан ташқари, захи кетказилган ерларда, яхшиланган ўтлоқлар ва яйловларда етиштирилаётган ем-хашаклар ҳисобига 1971 йилда бир ярим миллион тоннага етказиб гўшт, 15 миллион тонна сут ва 1976 йилда 3 миллион тоннага яқин гўшт ва 30 миллион тоннадан кўпроқ сут олиш мумкин.

Ерларнинг захини кетказиш борасида катта программани амалга ошириш билан бир қаторда, 1966—1970 йилларда 9 миллион гектар майдондаги ўтлоқлар ва яйловларни тубдан яхшилаш ишлари ўтказилиши ва кўп миллионлаб гектар ерларда ем-хашак экинлари экиладиган ерларни оддий равишда яхшилаш ишлари ўтказилиши лозим.

Ерларни мелиорациялашда ер захини кетказишнинг энг мукаммал усули бўлган ёпиқ зовурлар қуриш усули кенг қўлланилиши лозим. Дуруст, ёпиқ зовурлар қуриш очиқ зовурлар қуришга қараганда қимматга тушади, лекин ёпиқ зовурлар узоқ хизмат қилади, ўзи пухта бўлиб, уларни ишлатиш арзонга тушади. Ёпиқ зовурлар қурилганида ишларни механизациялаш учун қулай шароит вужудга келтирилади, каналлар билан банд бўлиб бекор ётадиган ерлар анча камаяди.

Зовурбоп сопол қувурлар ишлаб чиқарадиган заводлар қуришга, шунингдек бундай қувурлар ишлаб чиқармоқ учун мавжуд ғишт ва черепица заводларидан фойдаланишга катта эътибор берилиши керак.

Чакалакларни йўқотиш, тўнкаларни кундаков қилиб олиб ташлаш, далалардаги тошларни олиб ташлаш, дўнгалакларни бузиб, ерларни текислаш ва чимзорларни ҳайдаб, ишга солиш, ўтлоқларни кўпайтириш ва шу каби ишларга жиддий эътибор бериш лозим. Болтиқ бўйи республикаларининг узоқ муддат хизмат қиладиган яхши яйловлар яратиш ва пичан талқони ишлаб чиқариш соҳасидаги қимматли тажрибасига тан бериш керак.

Ерларни узун эгат олиб ҳайдайдиган қилиш, нишабини тўғрилаб қўйиш, оқава сувлар учун ариқлар қуриш ва ерларни текислаб қўйиш сингари агромелиорация тадбирларидан ҳам деҳқонлар кенг фойдаланишлари лозим. Намгарчилик кўп зоналарда ерларни оҳак билан ўғитлаш ва торф компостларини ерга солиш ишларини бажармай туриб, ерларнинг унумдорлигини ошириш мумкин эмас.

Намгарчилик ортиқча бўлган зонада бажариладиган мелиорация ишларининг жуда катта программаси барча хўжалик органларидан кўп куч-ғайрат сарфлашни ва яхши уюшқоқлик билан ишлашни талаб қилади. Ихтисослаштирилган машина-мелиорация станциялари ва қурилиш-монтаж бошқармалари шу

Ўртоқ Е. Е. АЛЕКСЕЕВСКИЙ докладининг охири

(Боши учинчи бетда)

3. Қурғоқчилик районларда ерларни суғориш—муттасил мўл ҳосил олишнинг негизи

Ерларни суғоришни янада ривожлантириш қурғоқчилик бўладиган районларда қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун катта аҳамиятга эга. Совет давлати барпо этилган дастлабки кунлардаёқ В. И. Ленин ерларни суғориш йўли билан қурғоқчиликка қарши кураш проблемасини қўйган эди. Совет ҳокимияти йилларида бу йўлда катта ишлар қилинди. Суғориладиган ерлар майдони 3,9 миллион гектардан 10 миллион гектарга етказилди ёки 2,5 баравар кўпайтирилди. Ҳақли равишда фахрланиб шуни айтиш мумкинки, мамлакат суғориладиган деҳқончилик ҳосилига пахтачиликда зўр муваффақиятларга эришди. Совет ҳокимияти йилларида пахта етиштириш 744 минг тоннадан 5,7 миллион тоннага етказилди ёки 8 бараварга яқин кўпайтирилди.

Совет давлатининг экономикаси беқиёс ўсган ҳозирги вақтда ерларни суғориш ишларининг суръатларини кескин равишда оширмоқ ва шунинг ҳисобига фақат пахтадангина эмас, шу билан бирга бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам, биринчи навбатда ғалладан муттасил мўл ҳосил олишни таъминламоқ учун ҳамма имкониятлар бор.

Ерларни суғориш анча маблағ ва вақт сарфлашни талаб қилади, лекин бу қурғоқчилликка қарши кураш олиб боришдаги энг самарали ва энг кўп натижа берадиган йўлдир, илмий жиҳатдан асосланган ҳолда жуда кўп колхозлар ва совхозларнинг кўп йиллик тажрибасида синалган йўлдир. Ерларни суғориш қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини кескин оширишгина қолмасдан, шу билан бирга қурғоқчилик кўп бўладиган районлардаги қимматли ерларнинг янги катта майдонларини ўзлаштиришга ҳам имкон беради. Ҳозир бўш ётган миллион гектарлаб ерлар суғориш йўли билан халқ хўжалигига хизмат қилдирилиши мумкин.

Жаҳон практикасининг маълумотлари ҳам ибратли. Ирригация ва ерларни суғориш юксак даражада самарадор бўлганлиги туфайли бир қанча мамлакатларда, шу жумладан Америка Қўшма Штатларида ҳам қишлоқ хўжалигига берилаётган катта-катта маблағлар шу ишга сарфланмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда қурғоқчилик ва чўл районларида кейинги беш йил ичида 1,3 миллион гектар янги ерлар суғорилиб, ишга солинди. КПСС XXIII съездининг Директиваларига мувофиқ 1966—1970 йилларда икки баравар кўп ер суғорилиш лозим. Ундан кейинги беш йил ичида бу ишларнинг ҳажмини яна икки баравар кўпайтирмоқчимиз. Давлатнинг капитал маблағлари ҳисобидан 1965 йилда 307 минг гектар янги ерлар суғорилиб ишга солинган бўлса, 1970 йилда 830 минг гектар янги ерлар суғорилиши керак. Ерларни суғориш ишлари шу вақтгача ҳеч бир мамлакатда мана шундай тез суръатлар билан олиб борилмаган эди.

Суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш йўли билан ҳал қилинадиган энг муҳим вазифа, у ҳам бўлса — пахта етиштиришни янада ва тобора кўпроқ миқдорда ошириш вазифасидир. Пахтанинг ялпи ҳосили 1971 йилда камида 6,4 миллион тоннага ва 1976 йилда тахминан 8 миллион тоннага етказилиши лозим. Бошқа бир қанча қимматли техника экинлари етиштириш, шунингдек мева, узум, сабзавот етиштириш анча кўпайтирилади. Пахта районларида вильт касаллигига қарши курашмоқ учун аниқса катта аҳамиятга эга бўлган бедапояларни тиклаш ва кенгайтириш соҳасида катта ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар олиб борилиши керак.

Мамлакат эҳтиёжини тўла равишда қондирадиган миқдорда шоли етиштириш суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш йўли билан ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим проблемадир.

Мутахассисларнинг қилган ҳисобларига қараганда, шолипоялар учун суғориш системалари шолининг беш йиллик плани бажарилган тақдирда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда истеъмол қилинаётган гуручни анча кўпайтирган ҳолда мамлакатнинг гуручга бўлган эҳтиёжини 1970 йилдаёқ тўла равишда қондириши мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март Пленумидан сўнг шоли учун белгиланган харид нархлари қишлоқ хўжалигининг бу тармоғида рентабелликни юксак даражага етказиши таъминлайди.

Шоли етиштиришни кўпайтириш вазифасини ҳал қилишда РСФСР етакчи ўринни олади. РСФСРда шоли етиштириш шу беш йилликда 254 минг тоннадан 585 минг тоннага етказилиши лозим. Шу йиллар ичида Украина ССРда шоли етиштириш 62 минг тоннадан 280 минг тоннага етказилади. Қозоғистон ССРда шолининг ялпи ҳосили уч баравардан зиёдроқ, Ўзбекистон ССРда икки баравар кўпайтирилди.

Мамлакатнинг қурғоқчил бўладиган асосий районларида гарантияланган миқдорда товар дон етиштириб берадиган йирик районлар вужудга келтириш суғориладиган деҳқончиликдаги энг масъулиятли вазифадир. Мавжуд ер ва сув ресурсларини, шунингдек бошқа имкониятларни ҳисобга олиб, Украинанинг жанубида ва Молдавия ССРда, Шимолий Кавказда, Поволжьеда ва Қозоғистон ССРнинг шу районга туташган ғарби-жанубий қисмида учта мана шундай район вужудга келтириш мўлжалланмоқда. Суғориладиган ерларда етиштириладиган товар дон экинларининг асосий қисми мана шу районларда экиладиган бўлади.

Мамлакатда ўн миллион гектарга яқин суғориладиган ерлар бор, бу ерлар бизнинг катта миллий бойлигимиз. Шу сабабли суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектаридан тўғри ва юксак даражада самарали фойдаланишни қишлоқ хўжалик, сув хўжалиги органларининг, колхозлар ва совхозларнинг энг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси деб ҳисобламоқ керак.

Шу сабаблар билан бир қаторда ерларнинг кўп қисмини шўр босганлиги, суғориладиган майдонларнинг сув билан етарли таъминланмаганлиги ва текисланмаганлиги суғориладиган ерларнинг самарадорлигини анча пасайтириб юбормоқда. Суғориш системалари гидротехника иншоотлари билан, сув ўлчайдиган асбоблар ва алоқа воситалари билан яхши таъминланмаган.

Марказий Комитет Пленуми муҳокамасига қўйилаётган таклифларда, мавжуд суғориладиган ерларни тартибга солиш соҳасида қилинадиган катта ишлар биринчи марта кўзда тутилмоқда. Бу вазифа энг биринчи даражадаги вазифа деб ҳисобланади. 2,5 миллион гектардан кўпроқ майдонни сувга ёлчитиш ва шу ерлардаги суғориш системаларини реконструкция қилиш, 1,5 миллион гектарга яқин майдонда ерларнинг ҳаммасини батамом текислаш мўлжалланмоқда.

Ернинг шўр босишини ва зах босишини тугатишга алоҳида эътибор берилади. Беш йил мобайнида 1,2 миллион гектардан кўпроқ ернинг шўрини кетказиш ишларини ўтказмоқчимиз. Ҳосилдорликни ошириш учун жуда муҳим бўлган мана шу ишларга эътиборсизлик билан қарашга йўл қўймаслик керак.

Зовур ва ариқлар системасидан фойдаланишни анча яхшилашимиз керак. Маълумки, ариқ ва зовурларни ҳар йил тозалаб туриш энг кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Бу ишда ҳали ҳам кўл меҳнати кўп қўлланилмоқда. Бу ишларни механизациялаш даражасини ошириш, тагин ҳам мукаммалроқ машиналар ва гидромеханизмлар қўлланиш, сувни тиндирадиган жойлар қуриш, каналларнинг техника ҳолатини яхшилаш ишларини ўтказиш зарур.

Қишлоқ хўжалик экинларини суғоришни механизациялаш суғориладиган деҳқончиликдаги жуда муҳим вазифаларнинг бири. Мамлакатда экинларни қўл кучи билан суғоришга ҳар йили камида 50 миллион киши-кун сарф бўлмоқда.

Янги беш йилликда бир неча ўн минг суғориш машиналари ва аппаратларини ишлаб чиқариш ҳамда колхозлар ва совхозларга етказиб бериш кўзда тутилади.

Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ёғдириб суғорадиган техникага керакли запас қисмлар ишлаб чиқариш масаласини ниҳоят ҳал қилиб беради, деб умид қиламиз.

Суғориладиган ва захи кетказилган ерлардан юксак даражада унумли фойдаланиш кўп жиҳатдан меҳнатнинг тўғри ташкил этилишига ҳамда колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг мўл ҳосил олишдан моддий манфаатдор бўлишига боғлиқдир.

Мамлакатнинг суғориладиган ерларда деҳқончилик қилинадиган айрим зоналаридаги шарт-шароит жуда кўп хилма-хил бўлса ҳам, аммо суғориладиган ерлардан тўғри фойдаланиш манфаатларига энг кўп даражада мос бўлиб тушадиган ва риоя қилиниши лозим бўлган асосий қоидаларни белгилаб олиш мумкин.

Аввало, суғориладиган ерлардан фойдаланишдаги эгасизликни тугатиш керак. Бундай эгасизликни тугатиш айниқса шунинг учун ҳам зарурки, суғориладиган деҳқончилик шароитида ҳар бир ер участкасининг пасти-баландини билиш ерларни тўғри суғориш учун, бинобарин эса мўл ҳосил олиш учун энг муҳим шартларнинг биридир.

Суғориладиган ерлардаги ишларнинг мураккаблиги бригада ихтиёридаги ернинг катта бўлмаслигини талаб қилади. Бригада қандай экин билан шуғулланаётганлигига қараб, унга 80-120 гектардан тортиб (пахтачиликда, сабзавотчиликда) 600-800 гектаргача (дон, шоли алмашлаб экишда) бириктириб қўйилиши мумкин. Бригаданинг иш билан бир маромда таъминланиш манфаатларини кўзлаб, унга бир-икки экин эмас, балки алмашлаб экиш билан банд бўлган бутун дала бириктириб қўйилиши керак.

Бригада (звено)нинг ҳайдов ва чопиқ тракторлари, керакли қишлоқ хўжалик машиналари, ёғдирадиган ва суғорадиган машиналари бўлиши лозим.

Сувчилар (сувни ёғдириб суғорадиган машиналарнинг машинистлари) тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Бу — суғориладиган деҳқончиликда тутилаётган янги касб. Сувчи — суғориладиган деҳқончиликнинг энг биринчи миришкори. Шу сабабли, доимий ишлайдиган сувчи кадрлар вужудга келтиришга, уларнинг меҳнатига рағбатлантирадиган ҳақ тўлаб туришга катта эътибор берилиши лозим.

Суғориладиган деҳқончиликнинг маҳсулдорлигини анча ошириш ва шу мақсадда барча зарур тадбирларни амалга ошириш ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг, шу министрликларга қарашли жойлардаги органларнинг, суғориладиган деҳқончилик зоналаридаги совет, партия ташкилотларининг, колхозлар ва совхозларнинг энг муҳим вазифасидир.

4. 1966—1975 йилларда сув хўжалиги қурилиши

Бундан буёнги йилларда сув хўжалиги қурилиши қай тарзда олиб борилади, мамлакатнинг айрим зоналарида суғориладиган ва захи кетказилган ерларни кўпайтириш қандай планлаштирилмоқда?

Аввало, суғориладиган деҳқончилик билан қадимдан шуғулланиб келган районларга — Ўрта Осиё республикаларига ва Қозоғистонга жиддий эътибор берилади. Мамлакатдаги жамики суғориладиган ерларнинг 60 процентга яқини мана шу районлардадир. Янги беш йилликда ерларни суғориш ишларига ажратиладиган жамики капитал маблағларнинг қарийб ярмиси шу районларга берилади.

Ер ости сувларини ер сатҳидан пасайтириш ва суғориладиган майдонларнинг шўрини кетказиш учун коллектор-зовурлар қуришга катта капитал маблағлар сарфланади. Бу иш пахта ҳосилдорлигини оширишнинг ва ерларнинг шўр босиб яна яроқсиз бўлиб қолишига йўл қўймасликнинг энг муҳим воситасидир. Эски системаларни реконструкция қилиш ва ер участкаларини текислаш мақсадида катта ишлар қилмоқчимиз.

Ерларни сувга ёлчитишнинг аҳамияти катта. Шу мақсадда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг энг муҳим сув манбалари бўлган Амударё ва Сирдарёда ҳамда шу дарёларнинг ирмоқларида бир қанча сув омборлари ва гидроузеллар қуриш планлаштирилмоқда. 5,7 миллиард кубометр сув сиғдирадиган Чордара сув омбори, 2,0 миллиард кубометр сув сиғдирадиган Чорвоқ сув омбори, 1,7 миллиард кубометр сув сиғдирадиган Андижон сув омбори, 1,6 миллиард кубометр сув сиғдирадиган Ҳовузхон сув омбори, 10 миллиард кубометр сув сиғдирадиган Норак сув омбори, 19 миллиард кубометр сув сиғдирадиган Тўқтағул сув омбори, 7,3 миллиард кубометр сув сиғдирадиган Туямўйин сув омбори ва бошқа бир қанча сув омборлари, шунингдек Тахиатош, Қизилоёқ гидроузеллари ва бошқа баъзи гидроузеллар қурилади.

Мана шу сув омборларида тўпланган сувлардан фойдаланиш суғориладиган мавжуд майдонларнигина эмас, шу билан бирга янги суғориладиган ерларни ҳам сувга ёлчитиш имкониятини беради.

Мирзачўлдаги бўш ётган ерлар, Қорақум канали зонасидаги чўл ерлар, Қарши даштидаги катта массив пахта алмашлаб экилиши учун янги суғориладиган асосий объектлар бўлиб қолади. Қорақалпоғистон АССРда, Сирдарё этакларида, Қозоғистонда ва бошқа бир қанча районларда инженерлик асосига қурилган шоликорлик системалари вужудга келтиралади. Бу зонада суғориладиган ерларнинг жамики майдони 1966—1970 йилларда 1 миллион гектар (ўтган беш йилликдаги 587 минг гектар ўрнига) кўпайтирилади ва 1971—1975 йилларда 1,5 миллион гектардан зиёдроқ кўпайтирилади.

СССР Европа қисмининг қурғоқчилик районларида суғориладиган ер майдонларини айниқса тез суръатлар билан кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бўғдой, шоли, маккажўхори етиштиришни, шаҳар атрофи хўжаликларида эса сабзавот, эртанги картошка ва мол озуқасибоп экинлар ҳосилини етиштиришни кўпайтириш шу зонадаги суғориладиган деҳқончиликнинг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Бу зонада суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланувчи асосий районлар қуйидагилар:

Шимолий Кавказ. Бу районда, аввало, Кубань дарёсининг қайир ерларида, Краснодар сув омборидан сув олишни тартибга солиш йўли билан жуда катта шоликорлик базаси вужудга келтиралди. Дон ва Терек дарёларининг суви билан суғориладиган ерларда шоли экиш кенгайтирилади. Дон экинлари — бўғдой, маккажўхори етиштириш учун бошқа бир қанча ирригация системалари қуриш мўлжалланмоқда;

Қуйи ва Ўрта Волга. Истиқболи жуда катта бўлган мана шу районда ҳозирги беш йилликда ерларни суғориш ишларини ривожлантириш бошлаб юборилади. Бу районда йирик лойиҳалаш ва қурилиш ишлари, ишлаб чиқариш базалари, илмий тадқиқот муассасалари ва тажриба намуна совхозлари тузилади. Куйбишев, Саратов, Волгоград областларида бир қанча ирригация системалари, Астрахань областида ва Қалмоқ АССРда шоликорлик ерларни суғориш учун инженерлик системалари қурилади.

Заволжье районларида ва Қозоғистоннинг шу районларга туташган ғарби-жанубий областларида дон етиштирмоқ учун ерларни суғориш мақсадида Волга—Урал канали қурилмоқчи. Лойиҳаси тузилаётган бу жуда катта иншоот қурилиши тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Бу каналнинг суви билан бир миллион гектарга яқин ер суғорилиши мумкин.

Украина ССРда. Каховкадан бошланиб, Керчгача етиб борадиган 400 километрли Шимолий Қрим канали қуриб битказилади, катта суғориш системаларини қуриш авж олдирилиб, шу беш йилликнинг ўзидаёқ Херсон, Николаев, Одесса ва Қрим областларидаги ерлар суғориладиган бўлади. Шу массивларда ерларни суғоришни ривожлантириш бугдой, шоли ҳамда бошқа дон ва мол озуқасибоп экинлар ҳосилини, шунингдек қанд лавлаги етиштиришни кўпайтириш вазифасига бўйсундирилади.

Молдавия ССРда Днестр, Прут ва Дунай дарёларининг сув ресурсларидан фойдаланиб, ерларни суғориш ишлари ривожлантирилади.

СССР Европа қисмининг бутун территориясида шаҳарлар атрофидаги сабзавотчилик ва сутчилик хўжаликлари учун ирригация системаларини қуриш билан боғлиқ бўлган катта ишлар қилинади.

Беш йиллик мобайнида СССРнинг бутун Европа қисмида жами 1,35 миллион гектар янги ер суғорилади ва 1971—1975 йилларда 3 миллион гектардан кўпроқ янги ер суғорилади.

Закавказье республикаларида қадимдан экилиб келган пахта, дон, чой, цитрус, ток ва бошқа экинларни суғориш учун бу зонада бажариладиган сув хўжалиги ишларининг ҳажми кўпайтирилади. Озарбайжон ССРда ерларнинг шўрини кетказишга алоҳида эътибор бериш керак. Бу республикада асосий маблағлар ва моддий ресурслар ана шу проблемани ҳал қилишга қаратилиши лозим. Закавказьеда суғориладиган ерларнинг ялпи майдони ҳозирги беш йилликда 180 минг гектар, ундан кейинги беш йилликда эса 300 минг гектар чамаси кўпайтирилади.

Айниқса шу нарса муҳимки, ерларнинг захини кетказиш ва сув режимини тартибга солиш ишлари айни вақтда ерларни деҳқончиликка яроқли ҳолга келтириш — тўнкаларни кундаков қилиш, чакаклариии йўқотиш ва ўнқир-чўнқирларни текислаш, ерларни ағдариб ҳайдаш ишлари билан қўшиб олиб борилиши керак.

Беш йиллик мобайнида захи кетказилиши лозим бўлган 6—6,5 миллион гектар ердан Россия Федерациясида камида 2,2 миллион гектар, Белоруссия ССРда 1,5 миллион гектар, Болтиқ бўйи республикаларида 1,4 миллион ва Украина ССРда 0,7 миллион гектар ер ишга туширилади.

Мамлакатнинг ҳамма районларида ерларни суғориш ва сув билан таъминлаш учун ер ости сувларидан кенг фойдаланмоқчимиз. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги СССР Геология министрлиги билан бирга текшириш ва фойдаланиш мақсадида қудуқлар қазиш, ерларни сув билан таъминлайдиган иншоотлар ва водопроводлар қуриш соҳасида катта ишларни бажариши керак. Ёғин сувларидан фойдаланиб, ерларни суғоришга, айниқса Қозоғистонда, Заволжье ерларида ва бошқа районларда катта эътибор берилади.

5. Техника жиҳатдан мукаммал системалар қурайлик, қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотларининг қувватларини оширайлик

Техника жиҳатдан мукаммал суғориш ва ерларнинг захини кетказиш системаларини қуриш ҳамда сув хўжалиги қурилиши ташкилотларига зарур ишлаб чиқариш-техника базасини яратиб бериш масалалари биринчи даражада эътибор беришга арзийдиган масалалардир.

Суғориш манбаларидан олинаётган сувни жуда кам нобуд қилган ҳолда, далаларга етказиш керак. Шу муносабат билан сувнинг шимилиб кетишини йўқотиш учун кураш жуда катта аҳамият касб қилмоқда. Конкрет шароитга қараб, бу иш каналларга яхлит ёки йиғма бетон ётқизиш, каналларни асфальт-бетон, полимер материаллар билан қоплаш, каналларни сув шимдирмайдиган қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Шу тадбирлар туфайли, суғориш системаларининг сувидан фойдаланишни анча кўпайтириш мумкин.

Зарур ҳолларнинг ҳаммасида суғориш каналлари қуриш билан бир вақтда коллектор-зовурлар ҳам қуриш керак. Суғориладиган ерларни шўр босишига қарши курашнинг янги прогрессив усули бўлган вертикал дренаж усулини жорий қилишга алоҳида эътибор бериш керак.

Украина мелиораторларининг сув ва ҳаво режимларини тартибга соладиган қилиб зовурлар системаси қуриш соҳасидаги тажрибаси диққат ва эътиборга сазовордир.

Сув хўжалиги қурилиши тадбирларининг кенг миқёсда олиб борилиши қурилишнинг ишлаб чиқариш базаларини — қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати корхоналарини анча тез ва илдам суръатлар билан вужудга келтиришни талаб қилади. Яқин йиллар ичида СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасида йиғма темир бетон ишлаб чиқарадиган бир қанча ихтисослаштирилган йирик заводлар, ремонт заводлари ва механизация базалари қуриш ва ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Ўтган йил қурилиш индустриясининг дастлабки 15 та бирлашган базасини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Россия Федерациясидаги — Кавказ, Грозний, Трусово базаси; Ўзбекистон ССРдаги Қарши базаси; Украина ССРдаги Каховка, Новомосковская базалари; Туркманистон ССРдаги Безмеин, Тажан базалари мана шундай қурилаётган базаларнинг энг катталаридир.

Сув хўжалиги қурилиши ишларини тез суръатлар билан олиб бориш мавжуд қурилиш ташкилотларининг қувватларини тез кўпайтиришни ва янги катта қурилиш ташкилотлари ташкил этишни талаб қилади. Халқ хўжалиги учун аҳамиятли ва энг катта объектларни иттифоқ ёки республика қарамоғидаги бош сув хўжалиги қурилиш бошқармалари қуриб беради, деб кўзда тутилмоқда. Ўрта Осиёда, Қозоғистонда шундай бош бошқармалар бор, бундан ташқари, Белоруссия Полесьесида, Поволжьеда, Шимолий Кавказда ва Украниниг жанубида шундай бош бошқармалар ташкил этилмоқчи.

Қурилишларнинг раҳбарлари, маҳаллий партия ва совет органлари қурилишларни малакали ишчилар билан таъминлашга, бу ишчиларга зарур уй-жой ва маданий-маиший шароит яратиб беришга алоҳида эътибор беришлари лозим. Профессионал-техника билим юртлари, механизация мактаблари ва ишчиларни ташкилий ўқитишнинг бошқа формалари малакали кадрлар тайёрлашда катта роль ўйнашлари керак.

Биз ер қазиш ва қурилиш техникасидан юксак даражада унумли фойдаланишга катта эътибор беришимиз лозим. Махсус мелиорация машиналари шу беш йилликда қарийб уч баравар кўпаяди. Техника тўхтовсиз ишлаши учун, унинг иш унуми муттасил ошиб бориши, бажараётган ишларинг сифати муттасил яхшиланиб бориши учун сув хўжалиги қурилиши ташкилотлари ҳамма чоралари кўришлари лозим.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бизнинг саноатимиз яхши машиналар чиқариш билан бир қаторда, сув хўжалиги ташкилотларига эскириб қолган, иш унуми кам техникани етказиб беришни ҳали ҳам давом эттирмоқда.

СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги, СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ер қазийдиган, сувни ёғдириб ер суғорадиган машиналарни ва кўп ер юрадиган транспорт машиналарининг энг мукаммалларини тезроқ яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун тағин ҳам активроқ чоралар кўришлари керак.

Совет фани гидротехника қурилишини такомиллаштиришга, суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга ва захи кетказилган ерлардан фойдаланишни яхшилашга катта ҳисса қўшди. Бироқ, янги жуда зўр вазифалар илмий тадқиқотларнинг тагин ҳам юксак даражада бўлишини талаб қилмоқда.

6. Мелиоратив қурилишда капитал маблағларнинг самарасини ошириш тўғрисида

Ернинг мелиорацияси эҳтиёжларига кўп капитал маблағ — 14,37 миллиард сўм, шу жумладан қурилиш-монтаж ишларига 9,37 миллиард сўм ажратилади. Бу капитал маблағларнинг берадиган самараси қандай бўлади, деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Ерларни мелиорациялашга сарфланадиган капитал маблағларнинг самараси бу ерлардан қандай қишлоқ хўжалик экинлари учун фойдаланилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли, капитал маблағларнинг берадиган самараси қандай бўлади, деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Ерларни мелиорациялашга сарфланадиган капитал маблағларнинг самараси бу ерлардан қандай қишлоқ хўжалик экинлари учун фойдаланилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли, капитал маблағларнинг берадиган самараси тўғрисидаги масала зўр эътиборга сазовордир. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, суғориладиган ерларда гектар бошига ўрта ҳисобда 26-27 центнер дон ҳосили олинган тақдирда, қишлоқ хўжалигининг шу тармоғига сарфланган капитал маблағлар суғориладиган майдонлар ўзлаштирилгандан кейин тахминан 9 йил ичида қопланади. Бундай шароитда рентабеллик 10-12 процентни ташкил этади.

Ортиқча нам бўлган зонага ҳам жуда кўп миқдорда капитал маблағлар ва операцион маблағлар сарф қилинади.

Ўтказилган ҳисоб-китобларга қараганда, шу зонада олиб борилган мелиорация ишлари натижасида 1966 — 1971 йилларда қўшимча равишда 8 миллион тоннага яқин дон, 20 миллион тонна чамасида сут ва 1 миллион тоннадан ортиқ гўшт, шунингдек талайгина зиғир, картошка, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар олинади. Дон экиладиган зах зонадаги ерларнинг мелиорациясига сарфланадиган харажатлар 5 йил ичида қопланади. Бу эса фондларга нисбатан 20 процент миқдорида рентабелликни таъминлайди.

Сабзавот, мева, узум ва техника экинлари етиштириладиган ерларни суғоришга қилинадиган харажатлар ҳам қисқа вақт ичида — 5-6 йилда қопланади.

Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари, шунингдек бизнинг иқтисодий фанимиз суғориладиган ва захи кетказилган ерлар экономикаси масаласига катта эътибор беришлари керак. Бизнинг иқтисодий фанимиз ишлаб чиқариш олдида катта қарздор бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари сарфланадиган капитал маблағлар ўрнини тезроқ қоплаш манфаатларини кўзлаб, ўзларининг бутун куч-ғайратини қуйидаги ишларга:

— Суғориладиган ва захи кетказилган ерларни ишга солиш юзасидан лойиҳаларда кўрсатилган қувватларни тезликда ўзлаштиришга, яъни маҳсулотнинг таннархи энг кам миқдорда бўлгани ҳолда белгиланган ҳосилдорликка эришишга;

— қурила бошланган иншоотлардаги ишларни тезликда тугаллашга ва битказилмаган қурилиш ҳажмларини қисқартиришга;

— қурилишнинг техника шарт-шароитларига қаттиқ риоя қилган ҳолда, ишга туширилдиган қувватлар бирлигига бўладиган сарфларнинг салмоғини камайтиришга қаратишлари лозим.

Ҳозирги вақтда ерларни суғориш ва захини кетказишга сарфланаётган капитал маблағлар ўрнини қоплашнинг паст даражада бўлишига сабаб шуки, ишга солинаётган асосий фондларнинг лойиҳада кўрсатилган қувватлари суст ўзлаштирилмоқда, яъни ерлар тўлиқ ўзлаштирилмаётир, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили кам, ҳосил етиштириш учун кўп маблағ ва куч сарф қилинмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда маъмурий ва маданий марказлардан йироқда бўлган катта ер массивларни ўзлаштириш соҳасида сув хўжалиги қурилиши ҳажмлари анча кенгайтирилди. Бу ерларда аҳоли яшайдиган пунктлар, йўл ва электр шохобчалари, уй-рўзғорни сув билан таъминлаш манбалари ва ҳоказолар йўқ. Буларнинг ҳаммаси катта массивларда мелиорация ишларини олиб бориш ва уларни хўжалик учун ўзлаштириш соҳасидаги ишларнинг мукаммалроқ ташкилий формалари ва иқтисодий принципларини вужудга келтирди. Нуқул сув хўжалиги қурилишидан янги ерларни тайёрлаш ва хўжалик учун ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ишларни комплекс тарзда олиб боришга ўтилмоқда.

Сув хўжалиги иншоотлари қурилиши, мукаммал инженерлик коммуникацияларини, уй-жойлари, мактаб, савдо-сотиқ ва маданий-маиший муассасалари бўлган обод усадьбаларни, шунингдек қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари корхоналарини вужудга келтириш ана шу иш комплексига киради.

Мирзачўлда, Қорақум канали зонасида ва Тожикистон ССРнинг айрим объектларида ерларни ўзлаштириш-комплекс қурилишнинг энг ибратли мисолидир.

Комплекс қурилишга доир ҳам ма масалалар ҳам ҳозир етарли даражада яхши ҳал этилаётир, деб бўлмайди. «Главсредазриссовхозстрой»да янги ташкил этилган совхозлар анча вақтдан бўён қишлоқ хўжалик органлари ихтиёрига топширилган эмас, бир қанча хўжаликларда ерлар тўлиқ ўзлаштирилмаётир. Бу камчиликларни тезликда йўқотиш керак, аммо комплекс қурилиш принципининг ўзи яхши натижа бермоқда, бу принцип шубҳасиз, прогрессив принципдир ва уни кенг йўлга керак.

Шундай тартиб белгилаш керак эдики, бу тартибга мувофиқ, ўзлаштирувчи хўжаликларда суғориладиган ва захи кетказилган ерларни ишга сола бошлайдан илгарироқ янги ерларни тайёрлаш, шунингдек ўзлаштириш юзасидан махсус план тузиб чиқилиши лозим. Бу планда лойиҳада кўрсатилган ҳосилдорлик кўрсаткичларига, сарфларни қоплашга эришиш муддатлари, қурилган хўжаликни фойдаланишга топшириш муддатлари кўзда тутилган бўлур эди.

Сув хўжалиги объектлари комплекс қурилишини ва ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида мелиорация объектларининг ўзини қуриш учунгина эмас, балки совхозларда ишлаб чиқариш иморатларини, уй-жой, коммунал-маиший объектлар қуришга, соғлиқни сақлаш бинолари қуришга, даштлик районларда эса янги ерларни ўзлаштираётган совхозларда обод посёлкалар қуришга ҳам маблағ ажратиш беш йиллик планда биринчи марта белгиланган.

Ўртоқлар! Ишонч билан шуни айтиш мумкинки, қишлоқларнинг барча меҳнаткашлари, бутун халқимиз Марказий Комитетнинг шу Пленумида муҳокама қилинаётган масалани қизғин маъқуллайди ва актив қўллаб-қувватлайди. Улар Пленумнинг қарорларида колхоз ва совхозларнинг экономикасини янада мустаҳкамлаш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий фаровонлигини ўстириш, КПСС XXIII съезди қўйган тарихий вазифаларни тезликда бажаришнинг ҳақиқий йўлларини топдилар.

Ернинг маҳсулдорлигини кўпайтириш кенг программасини, мелиорация тадбирлари катта комплексини амалга ошириш қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш манфаатларига муносибдир. Партия мамлакатимизнинг экономикасини мустаҳкамлаш тўғрисида, совет кишиларининг ҳаётий манфаатлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиши билан Ленининг улуғ ғояларига, коммунизм қуриш ғояларига чексиз содиқ эканлигини яна бир бор намойиш қилади.

ҚЕЛАЖАККА ДАДИЛ НАЗАР СОЛМОҚДАМИЗ

1966 ЙИЛ 27 МАЙДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВДА ЎРТОҚ П. Н. ДЕМИЧЕВ НУТҚИ

П. Н. Демичев ўз нутқининг бош қисмида бундай дейди: Мени Москва Дзержинский сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиб, изҳор қилган катта ишончлари учун, «Калибр» заводи, Гипромез, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва бошқа корхоналар, муассасаларнинг коллективларига чуқур миннатдорчилик айтишга ва шундай юксак шараф учун чин кўнгилдан самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

КПСС Марказий Комитети аъзолари сайлов комиссияларига очиқ хатларида биз бу ишончни совет халқини Ленин йўлидан коммунизм сари бошлаб бораётган Коммунистик партиямизга кўрсатилган ҳурмат ва ишонч, деб ҳисоблаймиз, деган сўзларни ёзган эдилар. Бугун мен ҳам бу сўзларни такрорлашни истайман.

Кейинги сайлов пайтидан буён ўтган вақт унча катта эмас. Аммо, шу йиллар ичида мамлакатимизда кўп иш қилинди.

КПСС XXIII съезди кейинги йилларда партия ва совет халқи олиб борган курашнинг якунларини тўплади, келажакдаги перспективаларни белгилади. Бу якунлар нимани кўрсатади? Шуни кўрсатадики, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида олға қараб жадал силжиб бориш тараққиётимизнинг қонуниятидир. Бизнинг Ватанимиз йил сайин қудратлироқ, бадавлатлироқ бўлиб қолмоқда, халқ эса, тобора яхши турмуш кечирмоқда.

Москва ва москваликлар тўғрисида гапириб, П. Н. Демичев айтдики, пойтахт меҳнаткашлари аввалгидек бундан буён ҳам коммунизм қурувчилар буюк армиясининг олдинги сафларида борадилар. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида етти йиллик планни муддатидан 2 йил олдин бажардилар ва саноат ишлаб чиқаришни ҳажми бўйича планни 5 ой олдин бажардилар.

Пойтахтни реконструкция қилиш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш тобора кенг кўламда амалга оширилмоқда. Шаҳар хўжалиги ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган тармоқлар тўхтовсиз ривожланмоқда.

Буни Дзержинский райони мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳеч муболағасиз бу районни янги қурилишлар райони, деб аташ мумкин. Мир проспектида ва Шереметьев кўчасида, оммавий қурилиш районлари — Свиблово ва Медведковда шинам уйлар қад кўтарди. 4 йил ичида сатҳи қариб 1,2 миллион квадрат метрли уй-жой, 11.340 ўринли 15 мактаб, 8.500 ўринли 44 та ясли ва боғча, 3 касалхона, 10 поликлиника фойдаланиш учун топширилди, 130 дан ортиқ магазин, 100 дан ортиқ овқатланиш, кафе, ресторан, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатувчи 140 корхона очилди.

Аммо, янги беш йилликда район олдида янада катта перспективалар очилади. Жумладан, сатҳи бир ярим миллион квадрат метрли янги уй-жойларни фойдаланишга топшириш мўлжалланади.

Сизнинг районингизда қилинаётган ишлар, деди П. Н. Демичев, бутун Москвага, шунингдек бутун мамлакатга ҳам бир хил даражада ҳосдир, албатта. Бизнинг мамлакатимиз социалистик мамлакатдир. Шу сабабли, экономикани, маданиятни планли суратда ривожлантириш, меҳнаткашларнинг турмушини яхшилаш объектив қонуниятдир. Москваликлар ва ленинградликларнинг, Узоқ Шарқ ва Болтика бўйи, Шимол ва Закавказье, Ўрта Осиё ва Украина, Белоруссия, Россия Федерацияси, улуғ Совет Иттифоқидаги барча республикалар халқларининг манфаатлари партия ва ҳукуматга бир хил даражада азиздир.

Шундан кейин, П. Н. Демичев шу беш йиллиқдаги планлар тўғрисида гапириди. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда фаннинг роли каттадир, деб таъкидлайди нотиқ. Бу тасодифий бир ҳол эмас. Ҳозирги замон фан-техника революцияси фаннинг жамиятдаги ва, аввало, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги аҳволи ҳамда ролини тубдан ўзгартириб юборди. Ҳозирги вақтда фаннинг иштирокисиз бирон даражада тараққиётга эришиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, фаннинг ўзи ҳам ўзининг кўп шохобчаларида олимлар, инженерлар, техниклар, юқори малакали ишчиларнинг жуда катта коллективларини бирлаштирган индустриал ишлаб чиқаришнинг алоҳида бир турига айланди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, моддий бойлик ишлаб чиқариш соҳасида (бунда унинг миқёсларигина эмас, балки техника, технология савияси, меҳнат унумдорлиги даражаси ҳам кўзда тутилади) энг илғор капиталистик мамлакатларни енгмоқ учун илмий фикрнинг илдам ривожланишига эришмоқ керак. Партия ва ҳукумат олимларимизнинг бу вазифани ҳал этишга қодир эканликларига ишонади. Совет фани ҳозирнинг ўзидаёқ кўп йўналишларда энг илғор мавқеларни мустаҳкам эгаллаб турибди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965 йил) Пленумининг қарорига мувофиқ, хўжаликни планлаштириш ва бошқаришнинг янги методларига ўтиш — мамлакат экономикасини ривожлантиришнинг муҳим рағбатлантирувчи шартидир. Бу эса, халқнинг ижодий кучларини янада тўлароқ рўёбга чиқариш, янги резервларни қидириб топиш, қурилишимизнинг бутун боришини жадаллаштириш имконини беради.

Янги беш йилликда қишлоқ хўжалигини юксалтиришга жуда катта эътибор берилади. Бу — бизнинг сира ҳам кечиктирилмайдиган ва оғир вазифаларимиздан биридир. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми эндигина тамом бўлди. Бу Пленум партия XXIII съезднинг қарорларини амалга ошириш юзасидан дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил ва мўл ҳосил олмоқ учун ерларни мелиорация қилишни кенг ривожлантириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

КПСС XXIII съезднинг қарорлари жуда катта вазифаларни олдимизга қўйди. Бу қарорлар коммунизм идеалларини, истиқбол тўғрисидаги орзуларимизни яқин ва азиз деб билган ҳар бир кишининг эътиборини жалб этмай қола олмайди. Партия бир қанча иқтисодий ва ташкилий тадбирларни амалга оширмоқда. Бу тадбирлар социалистик ишлаб чиқаришнинг энг юксак самарадорлигига, меҳнат унумдорлигини ва халқ фаровонлигини оширишга эришиш учун, социалистик ижтимоий муносабатларни ривожлантириш учун энг яхши шароитларни вужудга келтиради. Ҳозирги вақтда совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва интизомини, онглилиги ва жавобгарлиги ҳамда уюшқоқлигини ошириш асосий нарсадир. Ҳамма нарсани кишилар ҳал қилади. Муваффақиятларни қўлга киритиш уларнинг ижодий меҳнатига, малакасига, ўз бурчини юксак даражада сезиш туйғуларига боғлиқдир.

Афсуски, бизда меҳнат интизомини бузаётган ва жамоатчиликка зид бўлган бошқа ножўя ишларни қилаётган шахслар ҳали ҳам бор.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакатда жамоатчиликка зид ҳодисалар билан курашни кучайтириш ва самарали кураш олиб бориш керак, деган садолар тобора барала эшитилмоқда. Бу кураш давлат органларининггина эмас, балки барча коллективларнинг, бутун жамоатчиликнинг ҳам ишидир.

Ўртоқлар, бунда гап қандайдир фавқулодда ҳолат натижасида юз берган қисқа муддатли кампания тўғрисида бормоётир. Салбий ҳодисалар билан курашни бизнинг умумий тарбиявий ишимиз билан, турмуш маданиятини, ҳар бир совет кишисининг маданий хатти-ҳаракати учун кураш билан маҳкам боғламоқ керак.

Интизомсизлик, безорилик, ичкиликбозлик, қўрслик ва жамиятга зарарли бўлган бошқа хил хатти-ҳаракатлар одамнинг гашига тобора қаттиқроқ тегадиган бўлиб қолмоқдаки, бундай ҳолларга қарши кураш узлуксиз равишда кучайтирилмоғи керак. Халқнинг маданий савияси юксала борган сайин, у ўзига ёт бўлган одатларнинг ҳар қандай кўринишларига қаттиқроқ ва кескинроқ қарайдиган бўлиб қолади.

Одамларнинг маданий савиясига — даставвал меҳнат маданиятига нисбатан қўйилаётган талаблар узлуксиз равишда ошиб бормоқда. Ҳозирги замон фан-техника революцияси ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг бутунлай янги имкониятларини юзага чиқараётганлиги сабабли бу нарса ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда. Янги типдаги ходими тарбиялаб вояга етказиш замонавий ишлаб чиқаришнинг талабига айланмоқда, илмий-техника ижодкорлиги бундай ходим учун меҳнат фаолиятининг муҳим ва зарур элементи бўлмоғи керак.

Социализмнинг энг буюк афзаллиги худди шундан иборатки, у ижтимоий тараққиётнинг ана шу асосий мақсадларидан бирини башарият тарихида биринчи марта амалда руёбга чиқармоқда ҳамда бу мақсадни тобора тўлароқ амалга ошириш учун социал шарт-шароитлар вужудга келтирмоқда.

Халқ маорифи проблемасини янги талабларга мос равишда ҳал этишга қодир бўлмаган капитализм фан-техника тараққиётини тамагирлик, хусусий мулкчилик манфаатларига бўйсиндириб, эксплуатация билан ишсизликни кўпайтириб, шу орқали меҳнаткашларнинг асосий оммасини маънавий қашшоқликка маҳкум этмоқда, ҳозирги замон фани ва техникасининг тараққиётини ўзида гавдалантирган янги, беғиҳоя инсонпарвар, потенциал кучларга ўзининг душманлигини тобора кўп даражада фош қилиб қўймоқда.

Бироқ, социалистик тузум шу соҳадаги афзалликларимизни ўз-ўзидан, автоматик равишда таъминлаб беради, деб ўйлаш соддалик бўлур эди. Социалистик тузум фан-техникани жадал ва ҳар тарафлама тараққий эттириш, меҳнаткашларнинг билим савиясини ва маданиятини узлуксиз ошириш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун ижтимоий шарт-шароитлар, имкониятлар вужудга келтиради. Ташкилотчилик фаолияти, бир мақсадга қаратилган ҳаракатлар билангина, яъни ҳам бевосита мақсадларни, ҳам олиброқ истиқболларни ҳисобга оладиган тўғри сиёсатни ўтказиш натижасидагина бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш мумкин.

Шу сиёсатни амалга ошириш вақтида биз жамиятимизнинг бир хил савияда эмаслиги ҳамон сақланиб қолаётганлигини ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас, бу нарса халқ турли табақаларининг маданий савиясидаги тафовутларда ўз ифодасини топмоқда. Бундай йўл тутиш сарфлаётган куч-ғайратларимизни маълум даражада табақалаштиришни талаб қилади. Бундай йўл тутиш, жумладан, совет кишиларидан бир қисмининг, яъни ўз малакаси ва маданиятини оширишга кўпроқ даражада муҳтож бўлган қисмининг малакаси ва маданиятини оширишга каттароқ эътибор бериш вазифасини юклайди.

Ўзларингизга маълумки, КПСС XXIII съезди яқин йиллар ичида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини аста-секин замонавий индустриал негизга қўйишни ва уни саноат даражасига кўтаришни жуда муҳим вазифа қилиб қўйди. Қишлоқдаги маданий-маиший шароитларни яхшилаш ҳамда шаҳар билан қишлоқнинг ривожланишини аста-секин бараварлаштириш конкрет вазифа қилиб қўйилмоқда. Шундай сиёсатни изчиллик ва қунт билан ўтказмасдан туриб, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни йўқотиш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Бизнинг мақсадимиз эса ана шу тафовутларни йўқотишдир.

Худди шу кабн ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотиш масаласини бир ёқли қилиш ҳам замонавий тараққиёт хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳозир конкрет негизга кўчирилмоқда. Мана шу беш йилликда аввало сермеҳнат ишларни механизациялаштириш ва автоматлаштиришни ҳамда шу негизда малакасиз меҳнатни аста-секин юқори малакали меҳнат билан алмаштиришни таъминлаши лозим бўлган тадбирлар белгиланмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бунинг учун битта беш йиллликнинг ўзи кифоя қилмайди. Лекин шу беш йилликда ҳам анча иш қилинади. Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш масаласи худди шу асосда бир ёқли қилинади, бу ҳам бизнинг мақсадимиздир.

Сўнгра П. Н. Демичев ёшларимизни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган баъзи бир масалалар ва вазифалар ҳақида гапириб, ёшларимиз зиммасига янги жамиятни барпо этишдан иборат буюк ишни давом эттириш ва ниҳоясига етказиш сингари фахрли вазифа юклатилганлигини айтади.

Империалистик пропаганда совет ёшлари билан совет кишиларининг кекса авлоди ўртасида қандайдир «нифоқ» топишга ҳаракат қилмоқда. Тарихимизда, амалий фаолиятимизда содир бўлган камчиликлар ва хатоларни рўкач қилиб, антикоммунистлар ёшларимизга ўтмишга нисбатан беҳурмат, нигилистик назар билан қараш руҳини сингдиришга, уларнинг коммунизм идеяларига нисбатан ишончни қўпоришга уринмоқдалар.

Лекин сал-пал ақли расо бўлган ҳар қандай кишига ҳам шу нарса равшанки, антикоммунистлар заҳарли уруғларни қанча ташламасинлар, бу уруғлар бизнинг социалистик тупроғимизда ниш уролмайди. Ленин партияси ёшларни уларнинг орзу-умидларига мос келадиган гоялар билан қуроллантирмоқда; Ленин партияси совет йигит-қизларининг муддаоларига мос ва ҳаётий келадиган мақсадларни белгилаб бермоқда.

Бироқ, бу гап ёшларимизни тарбиялашда ҳамма ишимиз кўнгилдагидек, бинобарин, бу борада ечилмаган проблемалар йўқ деган маънони билдирмайди. Бундай проблемалар бор, лекин улар асосан ишимизнинг бўшлиги орқасида вужудга келган проблемалардир. Шу сабабдан, ҳозир ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда партия, комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг ролини ва масъулиятини оширишга қаратилган чоралар кўрилмоқда, болалар муассасасидан тортиб, то олий мактабга, ишлаб чиқариш коллективига қадар ҳамма бўғинларда мавжуд камчиликларни тугатиш устида иш олиб борилмоқда. ВЛКСМнинг яқинда бўлиб ўтган XV съездида ҳам худди шу тўғрида гап бўлди.

Ёшларимизга янги, тобора юксак талаблар қўйиш билан, партия барча меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ишни кучайтириш зарур деб ҳисобламоқда. Чунки кўпинча биз нақ бўлмаса ёшлар учун ўзига хос ҳодисалар деб қарашга одатланиб қолган кўнгилсиз ҳодисалар бўш жойда юз бераётгани, ҳавосиз бўшлиқда вужудга келаётгани йўқ. Кимлар шундай хунук ҳодисаларга раҳнамолик қилаётганини, кимлар бундай ҳодисаларни рағбатлантираётганини ва ҳаётда шундай ҳодисаларнинг бўлмаслиги учун биз ўзимиз нималар қилаётганимизни кўра билмоқ керак.

Тарбия жараёнида ибрат кучидан ҳам кўра таъсирчанроқ куч йўқ. Миллион-миллион одамларнинг чин инсон ҳақидаги, ленинчи коммунист раҳбар тўғрисидаги тасаввури фақат китоблар ёрдами билан вужудга келмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Бинобарин, айниқса ёшлар нобоп ишларни қилаётган, камтарлик кўчасидан ўтмаган кишилар билан турмушда юзма-юз келиб қолишса, жуда қаттиқ пушаймон бўлишади. Хатти-ҳаракатимиз, ишимиз, турмушимиз ёшларга, қолаверса ёшларгина эмас, бошқа одамларга ҳам ибрат бўларлими, деб ҳар биримиз ўйлашимиз, ўз-ўзимизни текшириб кўришимиз лозим. Бу — гоят юксак масъулият-партиявий масъулият, гражданлик масъулиятидир.

Янгиликни қарор топтиришда, одамни тарбиялашда, қолоқ, салбий нарсаларга қарши курашда, деди П. Н. Демичев, социалистик реализм адабиёти ва санъати катта роль ўйнайди. Бизда адабиёт билан санъат ҳам мазмун жиҳатидан, ҳам жуда кенг оммага етиб бораётганлиги жиҳатидан чинакам халқчил бўлиб қолди.

Партия санъаткор интеллигенциямизни гоят қадрлайди ва унга муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. Адабиёт ва санъат партиянинг сиёсати билан, коммунистик қурилиш вазифалари билан чамбарчас боғланганлиги туфайли унинг меҳнати чинакам мазмундор ва олижаноб бўлмоқда. Агар ёзувчи, санъат арбоби воқелигимизни чуқур кўриб турса, уни ўз асарларида реалистик ва талантли равишда тасвирлаб берса, буюк иш қилган, янги ҳаёт учун актив курашган бўлади. Бу эса, коммунистик партиявийлик билан олий даражадаги ижод эркинлигини англатадики, бунда санъаткор ҳолатлар ва ёт идеяларнинг қули бўлиб қолмайди, балки ўзининг ички эҳтиёжига айланган ва айни бир маҳалда илғор томонидан, миллионларнинг кураш практикаси билан аниқланган ва исботланган ҳаёт ҳақиқатини ўзига хос бўлган ижодий услуб билан онгли равишда ва бир мақсадни кўзлаган ҳолда қарор топтиради.

Социализм санъатининг эркин ривожланиши учун кенг майдон беради. Социализм фақат гоясизликка, бизга ёт бўлган одатлар ва кайфиятларни судраб олиб кириш йўлидаги уринишларга эркинлик бермайди, холос. Совет кишилари ғоявий-сиёсий гўрлик ва нигилизм кўринишларига бепарво бўла олмайдилар. Шу сабабдан, халқимизни тўлқинлантираётган масалаларга енгилтаклик, масъулиятсизлик билан қарашга уринишлар, шу масалаларнинг ўткирлигидан фойдаланиб қолишга қаратилган ҳар қандай уринишлар кескин ғоявий зарбага учраб келди ва учрайверади.

Совет адабиёти ва санъати сўнгги йилларда халққа манзур бўлган, коммунизм қурилишида ва меҳнаткашларни тарбиялашда бизга ёрдам бераётган бир қанча салмоқли асарлар билан бойиди. Бироқ, ғоявий ва бадиий жиҳатдан ночор бўлган баъзи бир китоблар, кинокартиналар, спектакллар совет кишисини ранжитиб қўймоқда. Афсуски, бундай «асарлар» ҳали ҳам кўплаб пайдо бўлиб қолмоқда. Бундай «асарлар» гарчи одамларнинг хотирасида узоқ яшамаса ҳам, лекин кўнгилда нохуш таассурот қолдирмоқда. Баъзан эса, воқелигимизни бузиб кўрсатадиган, ғоявий жиҳатдан яроқсиз бўлган асарлар майдонга чиқиб қолмоқда. Бу асарлар Совет кишиларини ҳақли суратда ғазаблантирмоқда. Бизнинг бахтимизга бундай асарлар кўп эмас, лекин шундай деб ўз-ўзимизни хотиржам қилиб қўйишимизга ҳақимиз ҳам йўқ.

Бизнинг санъаткор интеллигенциямиз ўз олдида турган вазифаларни тўғри тушунгани. Санъаткор интеллигенциямиз совет санъатини ўзимиз яшаб турган даврга муносиб янги салмоқли асарлар билан бойитажагига партиянинг ишончи комил.

Совет кишиларининг тинч бунёдкорлик фаолияти, партиянинг тарбиявий ва идеологик иши, деди сўнгра ўртоқ Демичев, империалистик реакция ва, даставвал, АҚШ империалистлари олға босишимизга ўзидаги ҳамма воситаларни ишга солиб тўсқинлик қилишга, халқит беришга интилаётган мураккаб халқаро шароитда амалга оширилмоқда. Дунёнинг турли қисмларида империалистлар томонидан ёқилаётган уруш олови тоҳ сўниб, тоҳ яна бешбаттар ловуллаб кетмоқда. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси, унинг бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашаётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси тараққиёт ва тинчлик кучларига қарши империализм уюштираётган фитнадан иборат битта занжирнинг ҳалқаларидир.

Бизнинг душманларимиз бизга қарши «идеология урушн»ни ҳам ҳар томонлама кучайтирмоқдалар. Сўнгги йилларда Ғарбда империализмнинг социалистик давлатларга қарши курашда янги тактикани белгилаб берувчи назария майдонга ташланди. Гап «кўприклар солиш»дан иборат машъум тактика устида боради. Унинг маъноси икки система давлатлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва бошқа хил алоқалардан фойдаланиб, буржуа идеологиясини «экспорт» қилишни кескин авж олдириб юборишдир. Империалистик стратеглларнинг ўйлашича, курашнинг янги методлари уларга коммунизмни «бўшаштириш», уни ичидан «бузиш» имконини берар эмиш.

Биз идеологиямизнинг кучига, совет кишиларининг ғоявий-сиёсий жиҳатдан продаси мустаҳкамлигига гоят аминмиз. Бироқ, антикоммунистик диверсиялар эўрайиб бораётганлиги сабабли сиёсий жиҳатдан етарли даражада етук бўлмаган кишиларда идеологик жиҳатдан нохуш ўзгаришлар юз бериши ҳавфи ҳам ошиб боражагини ҳисоба олмасак хато қилган бўлур эдик. Шу сабабдан, меҳнаткашларни юксак даражада синфий, революцион онгли, ғоявий эътиқодли кишилар қилиб тарбиялаш ҳозирги даврда идеология соҳасидаги фаолиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Буржуа идеологлари камчиликларни ҳар томонлама ишириб кўрсатмоқдалар, муваффақиятларимиз ва афзалликларимизни ё эътиборга олмаяптилар, ё бўлмаса, камситмоқдалар. Улар ҳамма нарсани қора қилиб кўрсатишга, ибрат кучимизнинг жозибадорлигини камайтиришга, совет халқи босиб ўтган қаҳрамонона йўлни, унинг революцион, жанговар ва меҳнат қаҳрамонликларини, яъни бизга азиз бўлган, шу қадар катта қурбонлар эвазига қўлга киритилган ҳамма нарсаларни йўққа чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Олижаноб идеаллар бизнинг меҳнатимизга илҳом бағишламоқда. Совет кишилари бор камчиликларни очиб ташлаган кўрқмайдилар, ўзлари шу камчиликларни танқид қиладилар, бу камчиликларга қарши курашадилар. Қийинчиликларимиз ўсишга боғлиқ бўлган қийинчиликлар эканлигини, капитализмни емиришаётган ва капитализм одамларнинг назаридан узоқроқ яшириб қўйишга ҳаракат қилаётган дардга асло ўхшамаслигини улар тушунадилар.

Бизнинг фахрланса, қарор топтирсак ва қаттиқ туриб ҳимоя қилсак арзийдиган нарсаларимиз бор. Совет кишилари ўзларининг ижтимоий ривожланишлари жиҳатидан капиталистик дунёдан ҳозирдаёқ бутун бир тарихий даврга илдамлаб кетдилар. Бизнинг халқимиз энг илғор ижтимоий тузумни барпо этди. Бу тузумда кишини киши эксплуатация қилишига сабаб бўлувчи хусусий мулк, социал ва миллий зулмнинг ҳамма шакллари йўқ қилинган. Социал таъминот, маориф, маданият соҳасида капиталистик дунёга нисбатан ғоят катта афзалликларимиз бор.

Биз келажакка дадил боқяпмиз. Ҳали кўп ишлар қилишимиз лозимлиги, йўлимиз осон йўллардан эмаслиги бизни чўчитмайди. Биз ўзимизнинг буюк мақсадимизга албатта етиб борамиз, коммунизмни барпо этамиз!

Ўртоқ Демичев ўз нутқининг охирида СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиб, ўзига юксак ишонч билдирганликлари учун сайловчиларга яна бир карра ташаккур изҳор қилди. Қўлимдан келганича сизларнинг ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, деди у.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, республиканинг энг кекса ходимларидан бири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор, иттифоқ аҳамиятига эга бўлган шахсий пенсионер Василий Андреевич **Билбас** узоқ давом этган оғир касалликдан кейин шу йил 28 майда 61 ёшида вафот этди.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ **ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** **ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

ВАСИЛИЙ АНДРЕЕВИЧ БИЛБАС

Республиканинг энг кекса коммунистларидан ва раҳбар ходимларидан бири, Ўзбекистон ССРнинг собиқ Сув хўжалиги министри, шахсий пенсионер Василий Андреевич Билбас 1966 йил 28 майда вафот этди.

В. А. Билбас 1906 йилда Донецк областининг Славянский шаҳрида ишчи оиласида туғилди ва 1922 йилдаёқ 16 яшар ўспиринлик чоғида Ленин комсомоли сафига кирди ва меҳнат фаолиятини бошлади.

1926 йилда ВКП(б) аъзолигига қабул қилинди.

Москва область партия ташкилоти В. А. Билбасни 1929 йилда Ўрта Осиё партия ташкилотларига ёрдам бериш учун юборди. Шундан буён унинг бутун ҳаёти ва фаолияти ўзбек халқи билан чамбарчас боғлиқ бўлди.

1933 йилда партия Василий Андреевични ўша вақтда энг масъулиятли ва қийин иш участкасига — Фарғона водийсидаги Киров МТСи Сиёсий бўлимининг бошлиғи қилиб юборди.

1938 йилда В. А. Билбас Бухоро область партия комитетининг секретари, 1940 йилда эса Фарғона область партия комитетининг секретари қилиб сайланди.

Ўша йилларда халқ қурилишлари бирин-кетин кенг авж олдириб юборилди ва Василий Андреевич Фарғона водийсидаги энг йирик сув магистраллари қурилишига катта ҳисса қўшди.

Василий Андреевич 1941 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги бўйича секретари қилиб сайланди.

Василий Андреевич Марказий Комитет секретари, кейинчалик 1951 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари бўлиб, республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ишларига раҳбарлик қилди.

В. А. Билбас 1955 йилда Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министри қилиб тайинланди. У ҳаётининг деярли сўнгги кунларигача ана шу вазифада ишлаб келди.

Василий Андреевич Билбас ўзининг бутун куч ғайрати ва ақл-заковатини ирригацияни ривожлантиришдан иборат улкан ишга сарфлади ҳамда катта обрў қозонди ва ҳаммаларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлди. Республика Олий Совети Президиуми унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» Фахрий унвонини берди.

Василий Андреевич Билбас ССР Иттифоқи Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутат қилиб, шунингдек Ўзбекистон КП Марказий Комитети аъзоси қилиб бирнеча марта сайланди.

Партия ва ҳукумат Василий Андреевичнинг фаолиятига юксак баҳо бердилар. У икки марта Ленин ордени, тўрт марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ҳурмат белгиси ордени, II-даражали Ватан уруши ордени ва медаллар билан мукофотланди.

Кекса коммунист, истеъдодли ташкилотчи, биллурдек пок меҳнаткаш, оддий ва дилкаш инсон Василий Андреевичнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳаммавақт сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анисимкин, Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляшченко, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Ё. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоков, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, А. С. Абдалин, С. О. Азимов, А. Н. Аскоченский, С. Асомов, Х. А. Асомов, И. В. Бабков, Н. С. Божко, М. Я. Буреш, Г. А. Габриельянц, И. С. Газарьянц, А. М. Дадасянц, С. К. Знёдуллаев, Т. Г. Зинин, Қ. Камолов, В. Н. Кулаков, С. М. Мамарасулов, Н. Маҳмудов, И. В. Марцинюк, С. И. Мерешинский, М. З. Мирзаахмедов, Қ. Муртазоев, Н. М. Муродов, Ф. Н. Нажимов, Е. И. Озерский, И. С. Осипов, И. А. Полвонов, К. Р. Раҳимов, Б. Р. Раҳимов, В. Содиқов, Р. С. Сахибоев, А. А. Сарнисов, И. В. Стрельцов, А. И. Тихомиров, Б. Усмонхўжаев, С. Н. Усмонов, Н. Р. Ҳамроев, А. Ҳайдаров, А. Р. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ф. Ш. Шамсутдинов, К. К. Шубладзе.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

В. А. БИЛБАСНИ ДАФН ЭТИШНИ УЮШТИРИШ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган ирригатор, иттифоқ аҳамиятига эга бўлган шахсий пенсионер Василий Андреевич **Билбасни** дафн этишни уюштириш учун А. С. Абдалин (раис), С. М. Мамарасулов, А. И. Тихомиров, А. Н. Назиров, Ф. Х. Мазитов, Қ. М. Маҳкамова ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси тузилди.

В. А. БИЛБАСНИ ДАФН ЭТИШНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ КОМИССИЯДАН

Марҳум Василий Андреевич **Билбасни**нинг жасади солинган тобут 1966 йил 29 майда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залига қўйилади.

Меҳнаткашлар марҳум билан соат 14 дан 16 гача видолашишлари мумкин. Марҳумнинг жасади соат 16 да олиб чиқилади.

Дафн маросими Боткин кўчасидаги шаҳар қабристонида ўтказилади.

ТАСС БАЁНОТИ

Япония, Австралия, Янги Зеландия, Таиланд, Филиппин, Малайзия, Жанубий Корея реакцион режими, Жанубий Вьетнам қўғирчоқлари ва чанкайшичилар тўдаси ташқи ишлар министрларининг конференциясини 14 июнда Сеулда (Жанубий Корея) чақириш мўлжалланди. Конференция ташкилотчилари бу конференция ғўё Осиё ва Океания мамлакатларининг иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилмоқ учун чақирилади, деб даъво қилмоқдалар. Аммо конференцияни чақиришдан кузатилган асл мақсадлар конференцияга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган фактларни кузатиб борган кишиларни ҳушёрликка даъват қилмай қололмайди.

Аввало, конференция қатнашчиларининг состави ўзига эътиборни жалб этади.

Агрессив СЕАТО ва АНЗЮС ҳарбий-сиёсий блокларининг қатнашчилари ҳарбий шартномаларга мувофиқ, АҚШ ёки Англия билан боғланган мамлакатларнинг вакиллари, шунингдек АҚШга тамомила қарамлиги билан ном чиқарган Жанубий Корея, Жанубий Вьетнам қўғирчоқ режимларининг вакиллари ва чанкайшичилар тўдасининг вакиллари Сеулда тўпланишади.

Сеул конференциясига келиш учун розилик берган конференция қатнашчиларининг кўпчилиги Вьетнам халқига қарши агрессив урушда бевосита қатнашмоқда, қолганлари эса, қўғирчоқ Сайгон режимига ва Америка агрессорларига «ҳарбий тусда бўлмаган» ёрдамни кўрсатмоқда.

Бунда гап Осиё ва Океанияда янги агрессив ҳарбий-сиёсий гуруҳни тузишга уриниш тўғрисида бораётганлигига шак-шубҳа йўқ. Конференция ташкилотчиларига яқин турган арбобларнинг ўзлари ҳам буни яширмаётирлар. Масалан, СЕАТО ҳарбий блокининг бош секретари генерал Хесус Варгас шу йил 13 февралда, мен Сеул конференциясида Осиё иттифоқини вужудга келтириш ғоясини қўллаб-қувватлайман, бу иттифоқ «СЕАТОга қўшимча» иттифоқ бўлур эди, деб ошкора айтди.

Япония буржуа матбуотининг таъсири кучли органи — «Ниҳон кейдзай» газетаси шу йил 18 апрель сонида қуйидагиларни ёзди: Сеулда ўтказилиши мўлжалланган конференциянинг асосий ғояси «Осиё ва Тинч океан районида кучли антикоммунистик иттифоқни ва ер юзининг шу қисмида ғарб мудофаасининг мустаҳкам таянчини вужудга келтириш»дан иборат.

Сеул конференциясининг ҳақиқий етакчиси АҚШ ҳукумати эканлигини пайқаб олиш қийин эмас.

АҚШ давлат секретари Д. Раск икки йил муқаддам, 1964 йил март ойида айтган эдики, АҚШ ташкил этган СЕАТО ва бошқа ҳарбий-сиёсий гуруҳлар «бу районга таваллуқли проблемаларга тўла жавоб бермайди». У яна бундай деди: «Хавфсизлик тўғрисидаги ана шу маҳаллий битимлардан ташқари, бу районларда мазкур район аъзолари ўртасида, шу жумладан бу иттифоқка кирганлар, шунингдек ўзларини блокларга қўшилмаган деб атовчи мамлакатлар ўртасида энг мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиши лозим.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари Сеул блокини вужудга келтириш масаласида эндиги найранг ишлатиб, Осиёда ва Тинч океанинг ғарбий қисмида Американинг ҳарбий-сиёсий позицияларини мустаҳкамлашга, икки томонлама ҳарбий шартномалар билан боғланган ўз шерикларини, СЕАТО ва АНЗЮСдаги иттифоқчиларни, шунингдек қўғирчоқ режимларни бир аравага тиркаб қўйишга интилмоқда. Бундай иттифоқ миллий озодлик ва демократик ҳаракатга қарши курашиш, ўз суверенитетини ғоят қадрлаётган ва империалистик мамлакатларнинг

Янги Тошкентни БУНЕД ЭТАМИЗ

ИНСОН ҚАДРИ

РЕПОРТАЖ

Бундан 2-3 ҳафта илгари Тошкентнинг серқатнов марказий кўчаларидан юрганингда шикастланган, вайрон бўлган биноларни, чангга беланган хнёбонларни кўрганингда юрагинг эзилиб, ўзингни нохуш сезар эдинг. Бугун ҳам ана шу кўчалар ҳар қачонгидан гавжум, серқатнов. Уша кунги зилзила қолдириб кетган харобалар изи ҳали ўчганича йўқ. Лекин кишиларимизнинг руҳида катта ўзгаришлар бор. Улар илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай бардам, тетик. Энди улар шу харобалар устида яқин йиллар ичида ҳамиша навқирон Тошкентимизнинг ҳуснижамолини қайта очадиган мухташам бинолар қад кўтаришини, пойтахт файзига-файз қўшилишини аниқ тасаввур қилмоқдалар. Ҳа, улар ана шундай оғир кунларда ёнимизда елкама-елка турган чин дўстларимиз, қон-қардошларимиз шижоаткорлигини, ҳужумкорлигини, янги биноларга янги пойдеворлар қўяётганлигини, «Дўстлар бошпанасиз қолмайсиз, уйимизнинг тўри сизларники» дейишаётганини амалда кўриб, диллари қувонмоқда.

Бошпанасиз қолган ҳамшаҳарларимиз ҳали янги қароргоҳларга тўла кўчиб кирганларича йўқ. Ҳа, уй-жой керак, бошпана керак. Зотан каттадан-кичик, ҳамманинг фикри-ёди ҳам шунда.

Пойтахт районлари ижроия комитетларининг қабулхонаси фақат ана шу шиор билан ҳар куни эрта тонгдан кечгача тинним билмай ишламоқда. Одамлардан ҳол-аҳвол сўрамоқда. Уларнинг талаб ва эҳтиёжларини эртароқ қондириш, жароҳатларига малҳам қўйиш чораларини изламоқда.

Мана, бундан тўрт-беш ҳафта бурун онда-сонда аризачилар уч. райдиган Киров район ижроия комитетининг каттагина ҳовлиси. Ҳовли бугун вақтинча бошпанасиз қолган, зилзила оқибатида уйи бузилган ёри-дўстларини виждан амри билан ўз бағриларига олиш истагини билдириб келган олижаноб кишилар билан тўла. Уларнинг баъзилари шу ерда ташкил этилган чойхонада бир пиёла чой устида бир-бирлари билан суҳбатлашишяпти, бир-бирларининг кўнгилларини кўтаришяпти.

Шу вақт столбага ўрнатилган репродуктордан дикторнинг: «Диққат! Зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан ташкил этилган штаб ва комиссия аъзолари билан таништирамиз» деган овози ҳаммаларнинг диққатини ўзига тортади. Диктор қайси комиссия қайси масала билан шуғулланиши ва нечанчи хонага жойлашганлиги ҳақида ахборот беради.

Штаб бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Ерёменко шундан кейин бизни гарантия хатларини расмийлаштириш комиссияси ишлаётган хонага бошлар экан:

— Виждон буйруғи билан бу ерга келаётганларни бир кўринг-а, — дейди у, — кишиларимиз бир-бирларига қанчалик меҳрибон, қанчалик ҳамдард эканликларини кўриб, дилингиз қувнайди.

Чиндан ҳам дўст бошингга оғир кун тушганда билинади деганлари ҳақ экан. Саховатли кишиларимизнинг қалблари нақадар кенглигини, ҳимматлари баландлигини кўрдик. Мана, бошпанасиз қолган ҳамшаҳар дўстлари, ёри-биродарларини ўз бағриларига олиш истагини билдириб келган элсевар кишилар. Улар комиссия навбатчиси Нина Артуровна Мельниковани навбатма-навбат саволга тутишяпти.

— Мен Ҳамза кўчасидаги 36-уйда яшайман, — деб мурожаат қилди Неъматилла Хўжаев.— Зилзила оқибатида бошпанасиз қолган ҳамшаҳар дўстим Анвар Исломов оиласини ўз уйимга кўчириб келмоқчи эдим. Қандай ҳужжатлар керак?

— Фақат ариза билан паспортингиз бўлса бас, — жавоб беради Нина Артуровна.

Шундан сўнг Чилонзор массивидаги 1-квартал 74-уйда яшовчи Н. Измаилова ҳам навбатчига ана шундай савол билан мурожаат қилади. Бу аёл Киров район Киров кўчасидаги 7-уйда яшовчи Жаббор Содиқовнинг олти кишилик оиласига ўз бағридан бошпана бериш истагини билдирди.

— Нимасини айтасиз, — ҳаяжон билан ҳикоя қилади Нина Артуровна, — ҳар куни ўнлаб кишилар ана шундай истак билан мурожаат қилиб келишади. Уларнинг ҳимматини кўрганингда одамлар бир-бирига қанчалик дўст, ўртоқ ва биродар, бир-бирларига эшинлари ҳамиша очиқ эканлигини янада яхшироқ ҳис этасан киши. Қайси куни Шота Руставели кўчасида яшовчи Солиҳа Ваҳобова Лоҳутий кўчасидаги уйи бузилган М. Қосимовнинг 9 кишилик оиласини ўз уйига кўчириб келиш учун рухсат беришимизни сўраб келди. Қаранг-а, қандай олижаноб кишиларимиз бор!

Биз комиссия ҳонасидамиз. Ҳали чиқишга улгурганимизча ҳам йўқ эдик, шу ерда навбат кутиб турган нуроний бир кекса Чилонзор массивида яшовчи Нурхон Акбарованинг номини ҳам тилга олиб ўтишимизни илтимос қилди. Маълум бўлишича, бу киши Тошкент давлат университетининг ходими Дмитрий Дмитриевич Столяров экан. Шаҳрисабз кўчасидаги у истиқомат қилиб турган 17-ҳовли зилзила оқибатида вайрон бўлгач, тўрт боланинг онаси Нурхон Акбарова уларни уйига кўчириб келибди.

— Ҳозир биз ўз оиламиз билан, — дейди Дмитрий Дмитревич, — Акбарова ҳонадонида гўё ўз уйимиздек, унинг фарзандларини ўз фарзандларимиздек ҳис этиб яшаяпмиз.

Ахир, бундай меҳри дарё кишилар номини ҳурмат ва эъзоз билан тилга олиб ўтмай бўлармиди?

Хуллас, зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан ташкил этилган қайси комиссия ҳонасига кирманг, кишилар арзларига сезгирлик билан қулоқ солиш, уларнинг жароҳатли қалбларига тезроқ малҳам топиш йўлларини излашаётган депутат ва жамоат вакилларини кўрасиз. Бу комиссияга ҳозир ўртоқ Қ. Қаюмов раислик қилмоқда. Комиссия составида маҳаллий Совет депутатларидан 10 киши ва 20 жамоатчи ишламоқда. Улар асосан зилзила оқибатида нимнинг уйи вайрон бўлган, нимнини зарар кўрган, кишиларга участка ажратиш ёки уйларни капитал ремонт қилиш лозимлигини аниқлаб бўлгач, шу иш билан шуғулланувчи комиссиялар ихтиёрига ўтказишади.

— Шу кунгача, — дейди навбатчи Анна Афанасьевна Носкрова, — 1000 дан ортиқ оиланинг шиноят аризаси қаноатлантирилди. Уларнинг баъзиларига участка ажратиб берилди. Баъзиларининг уйларини капитал ремонт қилиб бериш учун тегишли маблағ ва қурилиш материалларидан ёрдам кўрсатилди.

Зилзила жабрини Киров райони меҳнаткашлари кўпроқ тортишди. Шу сабабли ҳам кўп қатори бу районда шу куниёқ активлар, мактаб, завод директорлари, партия ташкилотлари секретарларидан иборат 120 кишилик штаб ташкил этилди. Штаб аъзолари ташаббус кўрсатиб, кечани-кеча, кундузми-кундуз демай ишлашяпти. Натижада 4200 дан ортиқ бошпанасиз қолган оила палаткаларга кўчирилди, 540 оила тайёр қилиб қўйилган янги квартиралар билан таъминланди. 800 оила эса жамоат биноларига жойлаштирилди. Якка тартибда уй қурувчи кишилар учун 250 та участка ажратиб берилди.

Ўртоқ Евстепеев бошлиқ комиссия аъзолари палаткаларда яшаётганлар учун ҳамма шароитни яратиб бермоқдалар, Комиссия аъзолари палаткаларда бўлиб, агитация ва тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Улар учун, вақтида кино кўрсатиб турилибди.

Ҳа демай бу кунлар ҳам унутилади. Шаҳримиз қадимгидек гўзал ва шинам бинолар билан безанади. Ана шунда пойтахт меҳнаткашлари янги уйларда янги тўйлар ўтказиб, бу кунни кўрмагандек бўлиб кетишади.

А. ШАЙХОВ.

ЖАҲОН ИЧИНДА...

Енгин МИРЗО

Мунаввар шаҳримиз эҳсон ичинда,
Ва лекин жамоли бу жон ичинда...
Бир ойки ҳаловат билмайди халқим
Юраклар ҳаяжон, туғён ичинда...
Бахтини, нақдини ардоқлар дўстлар
Мисоли миллиард кўз мужгон ичинда.
Зимистон этолмас зилзила зарра!
Тунда ой яроқлар осмон ичинда.
Жасорат кўрсатур кекса, ёш-яланг
Қўрқоқлар топилмас майдон ичинда.
Қаддимни ростлай! — деб харобалардан
Пойтахтим туни-кун сурон ичинда.
Жонини ким нисор айламас экан
Қондошлар қолсалар вайрон ичинда.
Ўн беш жилд асардир — пойтахт шаҳарлар
Тошкентим шу ўн беш достон ичинда.
Қардошлик, мурувват — бебаҳо бойлик
Энг азиз тортиқ шу эҳсон ичинда.
Жароҳат қолмагай танангда, шаҳрим,
Бўлурсан энг гўзал, жаҳон ичинда.
Лоақал қўймасанг бир ғиштни Енгин
Ўзингни санама инсон ичинда.

Тошкент қурилиши бошланди! Чилонзорда ишлаётган бинокорлар Тошкентликларга қишгача жуда кўп квартиралар ҳадя этамиз, деб сўз бериштган. Суратда: киевлик бульдозерчилар П. И. Лобановский (чапда) ва В. И. Снегирь ўртоқлар. «Ҳар куни икки нормадан!» — уларнинг аҳду-паймони ва Тошкентга ёрдами ана шундай

В. Кожевников фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

МЕҲР ЧАШМАСИ

Ленточний кўчаси 6-тупикдаги 1-ҳовли. Ҳовли ўртасига қўйилган сўрида политехника институтининг студентлари Ширин Муҳамедова, Доно Ҳалилова, Жасур Исоқова, Муўтабар Абдурахмоновалар навбатдаги имтиҳонга тайёргарлик кўриб ўтиришибди. Сиз тағин улар ўз ётоқхона ёки уйларида ўтиришган бўлса керак деб ўйламанг. Табиий офат кўп тошкентликлар қатори бу ёшларнинг ҳам тинчлигини бузган. Шундай бўлса ҳам улар кўчада қолишгани йўқ. Бирбирига ҳамиша дўст, ёри-биродар бўлган оилаларимиз уларга ўз бағриларидан жой беришган.

— Қизларимдан айланай, улар келишди-ю, уйимга файз кирди. Олти болам 10 та бўлди, — дейди Муаззам опа Шосаидова.

Ҳозир меҳри дарё бу она ўз фарзандлари сингари қизлар атрофида парвона бўлмоқда. Уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб, кўнглини кўтармоқда.

Ҳа, Октябрь район «Қўштут» маҳалласида инсон қадр-қиймати ана шундай эъзозлаётган, зилзила оқибатида бошпанасиз қолган студентлар ва оилаларга ўз бағридан жой берган кишилар оз эмас. Шу маҳаллада яшовчи Тўхта Каримов, Абдуғани Мансуров ва Саври Ҳалилова ўртоқлар оиласида ҳозир 20 га яқин студент ўзини худди ўз ота-оналари бағрида яшагандек ҳис қилишмоқда.

Бир-бирига дўст, ҳамдард бундай меҳри чашма кишиларимиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ.

ЗИЛЗИЛА ВА ХУРОФОТ

Тошкентда бўлиб ўтган кучли зилзилалар куни борган сари узоқлашиб кетаяпти-ку, аммо бу тўғридаги гап-сўзлар, бўлмагур миш-мишлар тинмаётир. Тўғри, Тошкентда қаттиқ зилзила бўлиб, шаҳарга анча шикаст етди. Табиатда бу каби даҳшатли ҳодисалар бўлиб туришини биз биринчи марта кўраётганимиз ёки эшитаётганимиз йўқ. Табиат ўз қонуниятига эга бўлиб, унда бўлиб турадиган ер қимирлаш, қурғоқчилик, довул, бўрон каби турли хил ҳодисалар объектив сабабларга кўра юз беради. Кишилар эса, саботли меҳнат, изланишлар орқали бу объектив сабабларни — табиат сирларини қадамба-қадам ўрганиб бормоқдалар.

Инсоннят ўзининг амалий фаолиятида, фан ва практика жараёнида табиатда юз берадиган касаллик, ўлим, Ой ва Қуёшнинг тутилиши каби ҳодисаларнинг сабабларини ва сирини билиб олган. Шу туфайли Қуёш ва Ойнинг қачон, қайси вақтда тутилишини олдиндан айтиб бериш имконияти туғилган. Кўпгина юқумли касалликларнинг пайдо бўлиш сабабларини билиш эса, жамиятимиз аъзоларини илгари «бедаво» деб келинган касалликлар чангалидан халос қилди. Хуллас, инсон ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати туфайли табиатдаги кўпгина ажойиб ва гаройиботларнинг сирини очишга, қосмоса парвоз қилишга, кучли энергия манбаи бўлган атом сирларини билиб олишга, табиатда яхлит учрамайдиган моддаларни химиявий синтезлаш орқали яратиш ва бошқа жуда кўп галабаларга эришдики, булар дунёда инсон амрига, ақл-заковатига бўйсунмайдиган куч табиатда йўқ эканлигини тасдиқлайди. Кишилар табиат устидан бундай ғалабаларга қойидан келган бирор куч ёки каромат ёрдамида эмас, балки ўзларининг самарали, жиддий меҳнатлари орқали эришганлар.

Табиатда бўлиб турадиган кўпгина ҳодисаларнинг сирини билиб олишимиз билан бир қаторда, ҳали биз билиб улгурмаган, кўпгина ҳодисалар, табиий кучлар мавжуддир, аллатта. Масалан, зилзила шулар жумласига киради. Уни қачон бўлишини олдиндан хабар қиладиган аппаратлар ҳали кашф қилинганича йўқ. Бу ҳақда гойибдан ҳеч ким хабар бермайди ҳам. Буни фолбин, доншманд, бахши ҳам асло айтиб беролмайди. Бу муаммога кенг миқёсда илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган олимлар ахир бир кун жавоб беришига ишончимиз комил.

Геолог, геофизик, сейсмолог олимларнинг фикрича Тошкент ва бутун Ўрта Осиё актив сейсмик зонада жойлашган. Зилзила эса, ер қатламларига хос хусусиятдир. Кишиларни даҳшатга солган бу табиий офатда ҳеч қандай ғайри табиий қудратнинг бўлиши мумкин эмас.

Шуниси аччиқларки, мамлакатимизда фан ва техника ҳар томонлама равнақ топиб, халқимизнинг яратувчилик кучи барқ уриб гуллаётган шу қезларда соғлом фикр, ақл-идрокка зид бўлган бемаъни миш-мишлар ҳам тарқалаётир. Эскликка муккасидан кетган дин, хурофот аҳллари Тошкентдаги зилзила муносабати билан иродаси бўш, лақма, маслаксиз кишиларни ўз гирдобига тортиб, айрим маҳаллаларда эскилик урф-одатларини авж олдиришга уриниб «ер қимирлаш худонинг газабидан келишидан» деб ваҳимали овозалар тарқатмоқдалар. Ўтмишда Ғофур каби пок қалби меҳнаткаш йигитларни умр йўлдошидан воз кечишга, пул бараварига севгилисини Солиҳбой каби халқ қонини сўрувчи зулукларга беришга фатво чиқарган ва ривоятлар тўқиганлар ҳам худди шу домла, эшонлар тоифасидаги шахслар эмасмиди?! Улар худонинг газабини, гуноҳни билар эканлар, нега инсон шаънига доғ туширадиган ахлоқсиз, ярамас ишларга ўзлари бошчилик қиладилар, ахир!

Хўш, барча миллат фарзандлари ақил оилага бирлашиб, Коммунистик партия раҳбарлигида инсониятнинг энг яхши фазилатларини ўзларида мужассамлантириб коммунизмнинг нурли чўққилари сари бораётган эканлар, инсоннинг камолатини, ақлу-заковатини бутун дунёга, ҳаттоки Ой, юлдузлар оламига кўз-кўз қилаётган эканлар, бунинг нимаси гуноҳ. Масалани шундай қўндаланг қўядиган бўлсак, хурофотчилар ниманинг ёмонлиқдан тан беришга мажбур бўладилар.

Агар ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар худонинг «газабидан», унга бизнинг эътиқодсизлигимиздан бўлса, нега дин ва худога сажда қилаётган капиталистик мамлакатларда ҳам шундай ҳодисалар бўлиб туради. Ёки революцияга қадар худо номидан ғапирувчиларнинг амир-фармонларини бузмай бажо келтириб турилган, хотин-қизларимиз етти қават пардага ўралган даврда Андижон зилзиласи рўй берганми?!

Зилзила Тошкент аҳолисига анча зарар етказиб, чўчитиб қўйди. Шундай пайтда фойдаланишга уринаётган текинхўрлар халқ орасида хурофот уруғини сочиб, маҳаллаларда худойи қилиб, назриёз йиғиш, садақа қилишни тавсия этмоқдалар. Улар бу билан гўё худони раҳмдилликка чақирар эмишлар. Бундай бидъат ишлар халқимизнинг нешона тери билан топган меҳнат ҳақини исроф қилиш эмасми.

Ҳурматли ўқувчи! Бирор кишининг бошига мушкул иш тушганда дин ва хурофот аҳллари унга моддий ёрдам берганлигини эслай оласизми? Асло. Аксинча, ўлганни устига тепган деганларидек, халқни муташ пайида бўлганлар улар.

Замонамизга ёт диний маросимлар Октябрь районидаги М. Горький маҳалласида, «Колхоз» маҳалласида, Фрунзе районидаги Западная кўчасида, Чилонзор районидаги Дарҳон маҳалласида, Калинин район Қатортол қишлоқ Советидаги «Москва» колхозига қарашли «Хирмонтепа» маҳалласи ва бошқа жойларда ўтказилди. Лекин хурофотчиларнинг бу уринишлари ер қимирлашни тўхтата олгани йўқ. Ер ўз кучи—табиий сабабга кўра гоҳ кучлироқ, гоҳ кучсиз силкиниб турибди.

Табиий офатдан зарар кўрган Тошкент меҳнаткашларининг ҳақиқий кўмакчиси, мададкори худо ва авлиёлар эмас, балки ҳамкўримиз, раҳбаримиз Коммунистик партия, Совет давлати эканлигини, ўз иродамиз, яратувчилик меҳнатимиз бизга чинакам кўмакчи эканлигини шу кунларда ҳар биримиз, ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бинобарин, оғир синовларда ташкил топиб, чиниққан халқларимиз ленинча дўстлиги бенихоя катта мададкор бўлмоқда. Тошкент шаҳрини қайта қуриш, зилзила оқибатларини тугатиш, меҳнаткашларни шинам ва мустаҳкам уй-жойлар билан таъминлаш учун барча қардош республикалар меҳнаткашлари ёрдамга етиб келишди.

Хурофотчилар ва миш-мишчиларни лол қолдириб, Тошкент яқин келажакда зилзила оқибатларини кўрмагандек бўлиб кетади. Чинакам яратувчилик мўъжизасини бу сафар ҳам совет кишилари бутун дунёга намойиш қиладилар. Тошкент Шарқда энг гўзал шаҳарлардан бири бўлиб қолади.

А. НИШОНОВ,
Ҳ. ОМОНОВ,
Тошкент политехника институти фалсафа кафедрасининг ўқитувчилари.

ФУТБОЛ

ЧОРАК ЙЎЛДАН ЎТГАНДА

Мамлакат чемпионатида қатнашаётган 10 та команда биринчиликнинг тўртдан бир мусобақасини ўтказиб бўлди: чорак йўл орқада қолди. Эртаю-индин қолган тўқизта команда ҳам уларга етиб олади. Ҳозирча киевликлар ягона пешқадам. Старт берилган кундан «отни қамчилаган» украин пойтахти футболчилари жуда яхши натижа билан келмоқдалар. Сўнгги турда «Арарат»нинг қаршилигини енгаолмаган Москва спартанчилари (ўйин 0:0 ҳисобида тугади) пешқадамдан бир очко орқада қолишди.

Биринчи ва иккинчи ўринда бораётган киевликлар ва Москва спартанчилари билан бирга «Пахтакор» ҳам ҳали биронта мағлубиятга учрамади. Ўзбек футболчилари фахрланса арзийдиган яна бир натижа бор. 28 та чемпионатда 6 та команда чемпион бўлган. «Пахтакор» бу йил шулардан бештаси билан бўлган учрашувни дуранг қилди: Москванинг «Торпедо», ЦСКА, «Динамо» ва «Спартак» командалари ва ниҳоят Тбилиси динамочилари ҳам ҳамшаҳарларимиз нурагини ерга тегиза олмадилар. Сўнгги чемпион — киевликларга бардош берилса, «Пахтакор» чиндан ҳам олтин медалларга бўш келмаслигини кўрсатади. Бу ўйин 3 июла Киевда бўлади.

Ҳозирча турнир жадвалида қуйидагича аҳвол вужудга келди.

Командалар		У.	Т.	О.
«Динамо» К	9	24—2		16
«Спартак» М	9	13—3		15
«Нефтяник» Б	9	17—6		12
«Арарат»	9	10—6		11
«Пахтакор»	9	7—5		11
СКА Р.	8	12—11		11
«Торпедо» М	8	12—9		9
«Динамо» М.	9	8—7		9
ЦСКА	8	9—9		9
«Қайрат»	9	8—10		8
«Динамо» Тб.	8	7—6		7
«Шахтёр» Д	8	7—11		7
«Зенит»	9	9—15		7
СКА Од.	8	4—9		6
«Динамо» Мн.	9	8—15		6
«Торпедо» Кт.	9	12—20		6
«Черноморец»	8	5—10		5
«Кр. Советов»	8	5—14		5
«Локомотив»	8	7—16		2

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

29 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:— 10.20 — Яшнаётган Грузия (ҳужжатли фильм). 11.30 — В. Виговский. Ёш юраклар алангаси.

18.00 дан — Москва кўрсатади (тажриба тариқасида).

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 17.00 — Шоҳ Мидас, Елгончи Гоша (болалар учун). 17.25 — Реклама ва эълонлар, 17.30 — Телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 17.45 — Химиклар, байрамингиз мубораки!. 18.05 — Олим бўлсанг — олам сенинки («Ёшлик» студияси), 19.35 — Телевизион янгиликлар, 19.50 — Далада ишловчилар учун.

21.15 дан — Москва кўрсатади (тажриба тариқасида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 29/V кундуз Этиқ кийган Мушук, кечқурун Семург.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино)— 29/V да Гули сиёҳ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Лот хотини — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Севги ва лимандр— «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Байкалга келинг — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ярим ва 10-15 минутда)

Байкалга келинг — «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли.

Вернер Хольт саргузаштлари — 1-МАЙ номли.

Бир фирибгар бўлган экан — «ВАТАН».

Макс Линдер компанияси — «УДАРНИК».

Ёкут нўзли билагузук — НАВОИЙ номли.

Эскадра ғарбга йўл олади — ПУШКИН номли.

Шу йил 1 июлдан ўзбек тилида

„Тошкент оқшоми"

ва рус тилида

„Вечерний Ташкент"

ГАЗЕТАЛАРИ ЧИҚА БОШЛАЙДИ.

Бу газеталар «Правда» газеталарининг форматида, ҳафтада олти марта чиқади.

Обуна баҳоси: ярим йилга — 3 сўм, 1 ойга — 50 тийин.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари ва узелларида, шунингдек иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи обуна тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Узбекистон КП Марказий Комитетининг бирлашган нашриёти.

«Союзпечать» матбуот тарқатиш бошқармаси

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҲИНДИСТОН Ж. НЕРУ ХОТИРАСИНИ ҲУРМАТЛАМОҚДА

ДЕҲЛИ, 27 май. ТАСС мухбири А. Обидин хабар беради.

Бугун Ҳиндистон мамлакатнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри Жавоҳарлаъл Неру вафот этган куннинг икки йиллигини нишонламоқда.

Қуёш ўзининг дастлабки заррин нурларини соча бошлагач, Деҳлининг ва теварак-атрофдаги қишлоқларнинг аҳолисидан минглаб кишилар Неру жасади қўйдирилган жойга — Шантигҳатга қараб юра бошладилар. Жасад қуйдирилган жойга тантанали суратда гулчамбарлар қўйиш маросимида қатнашмоқ учун Ҳиндистон вице-президенти Зокир Ҳусайн, Бош министр Индира Ганди (Нерунинг қизи), марказий ҳукумат министрлари, Ҳиндистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари келдилар. Шантигҳатда фахрий қоровул саф тортиб турди. Зокир Ҳусайн билан Индира Ганди гулчамбарларни қўйганларидан кейин ҳозир бўлган ҳамма кишилар икки дақиқа сукут сақлаш билан Жавоҳарлаъл Неру хотирасини ҳурматладилар.

Жавоҳарлаъл Нерунинг Тин Мурти кўчасидаги бинога жойлашган уй-музейида эрталаб «Неру ва халқ» деган виставка очилди. Ҳинд халқининг улуғ фарзанди шу бинода ўн етти йил яшаган ва ишлаган эди. Бугун бутун Ҳиндистонда Неру хотирасига бағишланган митинглар ўтказилмоқда.

Бугун Ҳиндистоннинг ҳамма газеталари Нерунинг фотосуратларини ҳамда унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган материалларни босиб чиқармоқда. Шунингдек, Неру фондининг социал ва ижтимоий фанларни ўрганиш билан шуғулланувчи Неру номли академия тузиш ҳамда мамлакатнинг ҳамма штатларидаги болалар учун Жавоҳарлаъл Неру уйлари ташкил этиш ҳақидаги қарори эълон қилинмоқда.

ЯНГИ ЗАВОДЛАР

ВАРШАВА. Халқ Польшасининг иқтисодий картасида янгидан-янги объектлар ва корхоналар, янги саноат марказлари бирин-кетин пайдо бўлмоқда.

Бир вақтлар вилоят шаҳри бўлган ва ҳозирги вақтда эса қорамтир кўмир қазиб чиқаришда янги саноат марказига айланган Конинда Польшада энг йирик алюминий заводини қуриш ишлари тугалланмоқда. Новая Гугадаги В. И. Ленин номли комбинатда 2.000 кубметр сиғимли бешинчи домна печи тез суръатлар билан қурилмоқда. Республика пойтахтидаги сифатли пўлат заводида яқинда совуқ усулда прокатка қиладиган янги стан ишга туширилди.

СЕЙСМИК СТАНЦИЯ ХАБАРИ

«Тошкент» марказий сейсмик станцияси 28 майга ўтар кечаси соат 3 дан 44 минут ўтганда 5 балл куч билан ер қимирлаганлигини қайд қилди. Шундан кейин яна икки марта 2 баллдан камроқ куч билан ер силкинди. Эрталаб соат 6 дан 9 минут ўтганда 2 балл, 8 дан 5 минут ўтганда, 9 дан 24 минут ўтганда, 12 дан 12 минут ўтганда 2 баллдан камроқ куч билан қимирлади.

ҚАБРИСТОНДА ИРҚИЙ КАМСИТИШ

НЬЮ-ЙОРК, 27 май. ТАСС мухбири Л. Шокин хабар беради:

Яқинда Жанубий Вьетнамда ўлдирилган 19 яшар америкалик негр солдат Жеймс Уильямс жасади солинган тобутни унинг туғилиб ўсган шаҳри Ветумпкага (Алабама штати) дафн қилиш учун олиб келишди.

Лекин уни кўмиш учун ҳеч қаердан жой топилмай қолди — қабристоннинг неграр кўмиладиган қисмида бўш жой қолмапти, оқларнинг қабристонида эса, Уильямсга ўр қазиш мумкин эмас, чунки унинг тани қора.

Аммо неграр ҳамиша ҳам ирқий жиҳатдан камситилаётганлари йўқ. Уларни ҳеч бир камситмай қуролли кучлар сафига чақирмоқдалар ва узоқ Вьетнамнинг чангалзор ўрмонларига урушга юбормоқдалар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08449 ИНДЕКС 64969. г. 1125.